



# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

МИЛЛАТ ФИДОЙЛАРИ

## ЎТ-АЛАНГА ИЧИДА

Ҳар гал архив ҳужжатларига юзлар эканмиз, мудҳиш қатагон йилларидаги тергов ишлари ва айблов ҳулосаларида бир хил манзара бот-бот кўзга ташланади. Турли қатлам, турли касб эгалари – у хоҳ ишчи, деҳқон бўлсин, хоҳ савдогар ё ҳисобчи, хоҳ жамоат арбоби – ким бўлмасин, ёлпасига “халқ душмани”га чиқарилган.



(Давоми 7-саҳифада)

ТАЛҚИН



## МУСТАҲКАМ АСОС

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлиб турибди.

таъминлаш, кенг қўламли маданий ва гуманитар алмашувларни давом эттириш муҳокама қилинди.

Учрашув доирасида бир қатор янги қўшма лойиҳалар ишга туширилди. Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатларнинг имзоланиши, икки давлат иқтисодийлари ва ишлаб чиқариш занжирларини чуқур интеграция қилиш учун асос яратди.

Бу лойиҳалар, ўз навбатида, маҳаллий иқтисодий ўсишни рағбатлантиради ва аҳоли учун янги иш ўринлари яратишга ёрдам беради.

Худуди 143 минг 100 квадрат километрга чўзилган, салкам 10 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Тожикистон Ўзбекистоннинг стратегик шериги ва иттифоқчиси. Бошқача айтганда, ўзбек ва тожик халқлари бир даракнинг икки шохи, бир дарёнинг икки irmогидир. Бизнинг динимиз,

еримиз ва ичадиган сувимиз бир. “Икки тилда сўзлашувчи бир халқ” дея тавсифланган ўзбек ва тожик халқларини умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, кўп асрлик ўзаро ҳурмат аънавалари бирлаштириб туради. Бу яқинлик Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида барча соҳалардаги муносабатлар учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқин тарихимизда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар кўпинча мураккаб кечгани, сиёсий, иқтисодий ва маданий тўсиқлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чеклаб келганини биламиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ташқи сиёсати туфайли қўшни давлатлар ўртасидаги “музлик”лар эриди.

(Давоми 2-саҳифада)

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

АХТАМҚУЛИ

## АЛЁР

Янги кун – Наврўзи олам –янги дostonим менинг,  
Гуллагай қалбим аро ер бирла осмоним менинг.

Қуйлагай булбул ёниб, гул базмида пинҳона маст,  
Байтларимга жо бўлар осуда ҳар оним менинг.

Эй қуёш, бошимга нур сочдинг ҳамал ардоғида,  
Боғларингдан бол йиғиб, қувнайди боғбоним менинг.

Ёру кўкка илтижо айлайди гул сочган ўрик,  
Ризқимизни ёғдириб тургай Нигоҳбоним менинг.

Сенга бу жоним нисор, борлиқни қувнатган замин,  
Тонгда қалдирғочларинг бўлгай суҳандоним менинг.

Кўзларим хирмонида тупроғи зар сочган диёр  
Тинчлигимга бахт улашгай Ўзбекистоним менинг.

Беқиёс юрт ишқида парводанир Ахтамқули,  
Жонажонимга фидо бўлсин дилу жоним менинг.

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ўнта йирик кооперация лойиҳасини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра, Ўзбекистонда 2025 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нарҳларда 1 849,7 трлн сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида оғир атлетикага ихтисослаштирилган Акбар Жўраев номидаги спорт мактаби очилди.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

## ШЕЪР ВА ШАХСИЯТ

“БУ ШЕЪР КОШОНАСИ...”

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 85 йиллигини адабиёт ва китобхонлик байрами сифатида муносиб нишонлаш, ижодий меросини кенг оммалаштириш белгилаб берилди. Бу ҳам Давлатимиз раҳбарининг адабиётга, адабиёт аҳлига қаратаётган эътиборининг яққол намунаси.

Бугун ана шу муҳим вазифалардан бири амалга оширилди – Абдулла Орипов уй-музеи очилди.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотларнинг мутасаддилари, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт мухлислари, мусаввирлар, ижодкор зиёлилар тўпланди.

(Давоми 4-саҳифада)



АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК

## “СИЗЛАРНИ ЮЗ ЙИЛ КУТДИК!”



Ўтган асрнинг 60–80-йилларида юртдошларимиздан кимдир хорижий мамлакатга саёҳат қилса, у албатта ўз сафари таассуротларини қоғозга тушириб, матбуотда эълон қилишга ошиқарди. Ҳавасманд ўқувчилар бу каби мақолаларни қизиқиш билан мурола қилар, ўзлари кўрмаган-билмаган юртлар ҳақида маълумот олишга интиларди. Зеро, собиқ тузум даврида кишиларнинг хорижга чиқиши анқонинг уруғидек ноёб ҳол эди.

Бугун эса мустақиллик ва эркинлик шарофати билан ўзбекистонликлар дунёнинг турли давлатларида ишламоқда, таълим олмоқда ва яшамоқда. Шу боис, хориж таассуротлари ҳақидаги мақолалар аввалгидек катта қизиқиш уйғотмаслиги мумкин.

(Давоми 3-саҳифада)

САРҲИСОБ



## МИЛЛИЙ КИНО ТАЯНЧИ

“Тирик тарих” халқаро форуми ва “Олтин Ҳумо – 2025” миллий кино тақдиротидан сўнг

Тарихий мавзудаги спектаклдан қаттиқ таъсирланган немис драматурги Фридрих Шиллер дўсти Иоганн Вольфганг Гётега мактуб ёзиб, ўз хайратини баён қилгани ҳақида машҳур ҳикоя бор. Унда Шиллер саҳнада бадиий маҳорат билан жонлантирилган тарихий воқеалар томошабинга гўё бугун содир бўлаётгандек таъсир қилишини таъкидлайди. Чунки саҳнадаги қаҳрамонларнинг кечмиши, диалог ва монологлари томошабин қалбига бевосита таъсир кўрсатади.

(Давоми 5-саҳифада)

КЕЛАЖАК ОВОЗИ

## “БИЗ – ЎЗБЕКНИНГ ЮЗИМИЗ”

Сўхбатдошимиз: Нодиржон Фатхуллоев. Тошкентда туғилиб ўсган. Европадаги энг нуфузли, дунё бўйича ТОП университетлар қаторидан ўрин олган Карлов университети умумий тиббиёт йўналиши талабаси. Университет ҳаётида фаол: академик сенат аъзоси сифатида университет даражасидаги қарорларни қабул қилишда иштирок этади. Тиббиёт талабалари халқаро уюшмаси координатори. Чехиядаги ўзбекистонлик талабалар ва ёшлар ассоциацияси аъзоси. Шунингдек, “Studensmedicus” блогини ҳам юритади.



– Нодиржон, Европада ўқиш қийин, талаблари қаттиқ, дейишди. Нима учун айнан Чехияда ўқишни, устига устак, тиббиётдай ўта масъулиятли соҳани танлагансиз?

(Давоми 3-саҳифада)



# МУСТАҲКАМ АСОС



Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар яхши қўшничиликдан юксалиб, юқори даражадаги шериклик шаклини олган. Бу ўзгаришнинг энг муҳим белгиси 2025 йил 31 мартда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши бўлди. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг юксалиши савдо кўрсаткичларидан ҳам яққол намоён бўлиб турибди. 2017 йилда савдо ҳажми 70 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у биринчи марта 500 миллион долларга етди. Ушбу рақамлар ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтасини аниқ акс эттиради. 2025 йил мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ўсиб, 912,3 миллион долларни ташкил этди.

Айни пайтда икки давлат ҳудудига 500 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас. Улар иккита муҳим хулосага ишора қилади.

Биринчидан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги иқтисодий яқинлашув аллақачон барқарор тенденцияга айланган. Иккинчидан, ўсиб бораётган савдо ҳажми ҳали катта салоҳият мавжудлигидан далolat беради. Статистика яна бир муҳим жиҳатни тасдиқлайди. 2025 йилда Ўзбекистон 11 фоиздан кўпроқ улуш билан Тожикистон экспортининг асосий бозорларидан бирига айланди. Бу Ўзбекистон Тожикистон учун нафақат қўшни, балки унинг ташқи иқтисодий алоқаларининг амалий устунига айланаётгани далилидир.

Савдо ҳажмининг ўсишига қарамай,

мавжуд кўрсаткич ҳали мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Мазкур ҳолат нафақат товарлар ҳажми, балки уларнинг таркиби масаласидир.

Ҳозирги вақтда хомашё, озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари, саноат ва истеъмол товарлари икки томонлама савдода муҳим ўрин тутаяди.

Яъни, савдо ўсди, аммо юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотларининг улуши ҳали ҳал қилувчи даражага етмади. Шу маънода, кейинги босқичнинг асосий мақсади савдо айланмасини механик равишда ошириш эмас, балки унинг сифатини яхшилашдир.

Ўзбекистон–Тожикистон муносабатларида саноат ҳамкорлигига бўлган қизиқининг ошиши тасодиф эмас. Авваллари муносабатлар асосан транзит, чегара масалалари ва савдони либераллаштиришга қаратилган бўлса, эндиликда қўшма ишлаб чиқариш, инвестициялар ва тармоқлар орасидаги алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Қўшма лойиҳалар орасида транспорт-логистика соҳасидаги ташаббуслар алоҳида ўрин эгаллайди.

Хусусан, Фарғона вилоятида умумий қиймати 100 миллион долларлик 200 дан зиёд объектлар – ишлаб чиқариш майдонлари, оғиркорхоналар, меҳмонхона ва молия инфратузилмасини ўз ичига олган “Анадархон” савдо-логистика марказининг қурилиши энг йирик лойиҳалардан биридир.

Шу билан бирга, “Жартена-Саразм” ва “Ойбек-Фотехобод” каби чегара ўтиш пунктларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, чегараолди ҳудудларда янги логистика марказларини барпо этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бундай марказлар бир кунда 100 тагача юк машиналарига хизмат кўрсатиши мумкин. Хусусан, халқаро молия институтлари ва давлат-хусусий шериклик механизмларини жалб қилган ҳолда, юқорида айтилган ўтказиш пунктлари яқинида йирик логистика марказини қуриш масаласи кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, Ургут туманида йирик юк оқимларини бошқариш ва чегара тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган логистика марказини барпо этиш масаласи муҳокама қилиняпти. Мультимодал транспорт йўлакларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, синов тариқасида Хитой – Тожикистон – Ўзбекистон йўналишида ташувларни йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда. Бу минтақанинг транзит салоҳиятини кучайтириб, уни “Янги ипак йўли” ташаббуслари билан уйғунлаштириш имконини беради.

Халқаро автомобиль ташувлари учун рухсатномаларнинг электрон шаклга ўтказилиши ҳам муҳим қадамлардан бири бўлди. Қайд этиш жоизки, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон улкан транспорт-транзит салоҳиятига эга. Тожикистоннинг транспорт-логистика тармоғи эса мамлакатимиз билан чамбарчас боғланган. Демак, инфратузилма имкониятларидан бирга фойдаланиш нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа ривожланишига хизмат қилади.

Энергетика соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик жадал тус олган. Мазкур йўналишдаги муҳим лойиҳалар қаторига умумий қуввати 320 МВт бўлган Ёвон ва Фандарё гидроэлектр станцияларини қириштириш мумкин. Бу объектлар йилига 1,4 миллиард кВт соат электр энергия-

си ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиб, бу энергия мамлакатлар ўртасида тенг тақсимланади. Бу уларни минтақа энергетика соҳасидаги хавфсизлигининг муҳим элементига айлантиради. Айни пайтда, Роғун ГЭСи бўйича ҳам ҳамкорлик қилинмоқда.

2021 йилда ташкил этилган Ўзбекистон–Тожикистон инвестиция компанияси бизнесни институционал қўллаб-қувватлашда алоҳида ўрин тутаяди. Устав капитал 50 миллион доллар бўлган ушбу тузилма ҳозирда 36 та устувор йўналиш, жумладан, энергетика, соғлиқни сақлаш ва банк соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватламоқда.

Янги Ўзбекистоннинг очкилик, иқтисодий либераллаштириш, инвестициявий иқлимни ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорлик модели Тожикистон билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунга чегара масалаларининг ҳал этилиши, 2018 йилда икки мамлакат фуқароларининг ўзаро ташрифлари учун 30 кунгача виза режимининг бекор қилиниши мисол бўла олади. Утган йили Ўзбекистонга хориждан 11,7 миллион яқин, яъни 2024 йилга нисбатан 47 фоиз кўп туристлар ташриф буюрган бўлса, улар орасида Тожикистон фуқаролари иккинчи ўринда туради (2,7 миллиондан ортиқ сайёҳ). Иқтисодий ҳамкорликни маҳаллий даражада жадаллаштириш имконини берган чегара ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар минтақаларо ҳамкорлик моделининг муҳим элементи ҳисобланади. Бунинг натижасида сўнгги йилларда Сўғд ва Хатлон вилоятларининг Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари билан ҳудудларо ҳамкорлиги фаол ривожланимоқда.

2025 йил 31 март куни Хўжандда Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари уч мамлакат давлат чегараларининг туташган жойи тўғрисида тарихий шартномани имзоладилар. Ушбу учрашувда қўшма декларация қабул қилини ва Дустлик стелласи очилди.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан савдо айланмаси ҳажмининг деярли ярми чегара ҳудудларига тўғри келади. Шунинг учун бошхона постларини модернизация қилиш, замонавий савдо ва логистика инфратузилмасини яратиш таклиф қилинди. Бундан ташқари, автобуслар сонини кўпайтириш ва чегара ҳудудларидаги шаҳарлар ўртасида янги йўналишларни очиш тўғрисида келишув эълон қилинди. Бу жараён муҳим аҳамиятга эга, чунки Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг кейинги ўсиш нуқтаси айнан чегара ҳудудларида жойлашган. Агар логистика арзонлашса ва саёҳат осонлашса, икки томонлама иқтисодий интеграцияда сифат жиҳатидан ўзгариш юз беради.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг мустаҳкам ҳамкорлиги кўп жihatдан икки давлат шисий яқинлиқни институционал ва секторал интеграцияга қанчалик тез ўзгартира олишига боғлиқ. Ҳозирги барча соҳадаги кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, Тошкент ва Душанбе бу йўлдан далил олдинга интилмоқда.

Жамолиддин БАДАЛОВ



**Шарқ жамиятини тартибга солган асосий куч азалдан ахлоқ бўлиб келган. Асрлар давомида андиша, уят, ор-ному, ҳаё, иймон, виждон каби тушунчалар халқимизнинг маънавий қонуни ҳисобланган. Инсон қонундан кўриб эмас, одамлардан уялган, андиша қилгани учун ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл урмаган. Аввал андиша, ор-ному билан ҳал қилинган масалалар тараққиёт жараёнида қонун ва жазо билан тартибга солинадиган жиноятлар рўйхатига қўшилди.**

Андишасизлик, уятсизлик, орсизлик, номуссизлик, ҳаёсизлик, иймонсизлик, виждонсизлик иллатлари бугун фақат ахлоқсизлик эмас, балки жинсий жавобгарликка сабаб бўлаётган ҳолатлардир. Айниқса, замонавий дунёда инсоннинг ҳиссий эҳтиёжлари ва маънавий таназзули туфайли жинсий зўравонлик турлари кўпайиб, алоҳида-алоҳида туркумланимоқда.

Бу муаммо аҳолиси бир миллионга етмаган Сирдарё вилоятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, номусга тегиш ҳолатлари 2024 йилда 4 та бўлса, 2025 йилда 7 тага етган. Жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш ҳолатлари 2024 йилда 10 та, 2025 йилда 9 та. Бесоқолбозлик бўйича 2024 йилда 1 та, 2025 йилда 3 та ҳолат қайд этилган. Воёга етмаган шахсни ғайрижиамий хатти-ҳаракатларга жалб этиш 2024 йилда 11 та, 2025 йилда 7 та, 16 ёшга тўлмаган қизлар билан жинсий алоқа қилиш ҳолатлари 2024 йилда 18 та, 2025 йилда 17 та. 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз ҳаракатлар бўйича 2024 йилда 3 та, 2025 йилда 5 та ҳолат қайд этилган. Бу фақат биргина вилоятнинг рўйхатга олинган кўрсаткичлари, холос. Кўрқув ёки ижтимоий босим сабабли очикланмаي қолган ҳолатлар қанча.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 март куни қабул қилинган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони айни муаммоларга жавоб сифатида муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди. Фармоннинг мазмун-муҳитидан аниқлашдики, давлат жамият хавфсизлигига таҳдид солаётган бундай жиноятларга нисбатан муросасиз йўлни танламоқда. Айниқса, воёга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятлар учун жавобгарликни янада кучайтириш, айрим ҳолатларда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби қаттиқ чоралар белгиланимоқда.

Биламизки, ҳар қандай жиноятнинг олдини оладиган маскан оиладир. Агар инсонни андиша, уят тўхтатмаса, муайян жазо ҳар доим ҳам тўхтата олмайди. Шунинг учун қонунлар билан бир қаторда ахлоқий иммунитетни кучайтириш, инсонларнинг руҳий-маънавий соғломлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни юксак қадриятлар ва масъулият руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазибалар, аввало, оилада амалга оширилиши ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,  
Ўзбекистон журналистлари  
ижодий уюшмаси аъзоси



ФИКР

## ҚАДРИЯТМИ, МАЖБУРИЯТ?

Ўттир Қошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида маҳзун саҳна бор: “Баҳор дэворларнинг офтобруя этакларидан бошланмайди. Баҳор ариқларнинг кунгай соҳилларидан бошланади. Баҳор гўристондан бошланади. Илк майсалар мунгли дўппайган қабрлар ёнбошидан уни чиқади. Тўнгич чучумоллар энг аввал сукутга чўмган қабристон устида маънос кўнғироғини чалади. Бағри қон қизгалдоқлар биринчи бўлиб мана шу ерда очилади. Ким билсин, табиатнинг марҳумлар руҳига йилда бир марта кўрсатадиган марҳамати эҳтимол шудир...”

Баҳор бошида одамлар йўл оладиган илк манзил ҳам ана шу мазорот бўлади. Одамлар аждодлари, ота-оналари, жигарлари, жигарбандлари, яқинлари қабрини обод қилиш, улар ётган макон ободлигига ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилади. Бу ишга маҳалла раислари, нуронийлар, фаоллар бош бўлади. Ҳашар баҳона маҳалланинг йиллик “ҳисобот йиғилиши” ўтказилади. Янги режалар тузилади. Улуғларнинг йўл-йўриғи билан ёш йигитлар катта ҳаёт сабоғини олади. Авваллари йигитлар ўзини кўча

“разбор”ларида, пичоқбозлик, “самосуд” ё тармоқларда кўрсатмаган. Йўқ, улар ё мард бўлиб майдонда олишган, ё ҳашарларда ўз кучини, салоҳиятини кўрсатиб қўйган. Биргина кетмон чопиши ё арра тортишини кўриб, бу боланинг тарбияси, келажаги ҳақида маълумотларни ўқиб олган иш кўзини билладиганлар.

Мозорлардан бошланган ҳашар маҳалла кўчалари, мактаб, ёлғиз кексалар, қўп болалари аёлларнинг уйларида давом этган. Бу ишлар учун ҳашарчилар на ҳақ, на рағбат кутган.

Бу эзгу қадрият одамлар орасидаги мулоқот, авлодлар ўртасидаги кўприк, аждодлар руҳига ҳурмат, кишиларнинг меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга ва Олий Мажлисга йўлланган Муржоатномасида қуйидаги сўзлар бежиз таъкидланмаган: “Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак”.

Тўғри, ўтган асрда советлар ўзбек халқининг минг йилларга бориб тақаладиган юксак қадриятини суиистеъмол қилиб, бутун халқни пахта даласига банди қилиб қўйди. Кейин ҳам одамлар ҳашар деса юраги бе-зиллайдиган, “ҳашар” лакаби “ихтиёрий-мажбурий” меҳнатга тоқатсиз бўлиб борди. Натижада, мажбурий пахта терими йўқолиши билан элнинг қадрияти бўлган ҳашар тушунчаси ҳам беғоналашиб кетди. Гарчи ҳукумат томонидан умумхалқ ҳашарлари эълон қилинса-да, унда иштирок этишни рад этадиганлар топилиди. Албатта, ҳашар мутлақо эркин меҳнат тури, унда мажбурият бўлса тўғридан-тўғри мажбурий меҳнат тоифасига кирди. Лекин уйлаб қарасак, ҳашар доим ҳам мутлақо ихтиёрий бўлмаган. Инсон қачон ўз ихтиёри билан жисмоний меҳнатга ошиққан?

Ҳашарнинг асрлар силсиласидан омон ўтиб келишининг сабаби унда қонуннинг эмас, виждоннинг амри – мажбурият кучи борлигидан эди. Виждон ёнига ўзбекчилик, андиша, номус қўшилган.

“Суюнчи” фильмининг эслайсиз. Ҳукуматдан ёрдан бўлавермаган, Анзират буви ҳашар йўли билан кўприк солишни бошлади. Бундан хабар толган раис воқеа жойига етиб келиб, аввало, ҳашарчиларга қарашан бў-

лади, ҳисса қўшади. Ана ундан кейин бувини четга тортиб, яқинда стандартларга мос кўприк қурилиши хабар қилади. Агар уша даврда раисларнинг обрўсини ҳисобга олсак, у Анзират бувини идорага қақиртириши ёки тўғри келиб, гап бошлаши мумкин эди. Бироқ у ҳам халқнинг ҳашар деган қадрияти билан ҳисоблашишга мажбур.

Ўз уйи, ишхонасини обод қилиш дунё миқёсида олганда ҳам энг оддий маданий ва тиббий эҳтиёждир. Бу масалаларда кўпчиликнинг ҳаракати тез ва унумли самара беради. Ахир “Ташаббускор бюджет” лойиҳаси ҳам охир-оқибат ҳашарнинг онлайн кўриниши эмасми?

Шундай экан, ҳашарнинг қадрият ва мажбурият чегаралари ҳақида бир ўтириб ўйлайдиган одам керак. Айниқса, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да ҳашарнинг миллий ва ҳуқуқий мақоми, тарғиботи ва тартиботига оид ечимлар берилса, нур устига нур бўларди.

Бугун ким ҳашарга қўшиллар экан, унинг қулоғи остида ҳазрат Навоийнинг ушбу байти жанралаб турса, шояд:

Нафъинга азар халққа бешакбурур,  
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракбурур.

Отабек БАХТИЁР



## Бошланиши 1-саҳифада.

## “БИЗ – ЎЗБЕКНИНГ ЮЗИМИЗ”

– Европада ўқиш ҳақиқатан ҳам осон эмас: талаблар юқори, рақобат кучли, ҳар бир натижа меҳнат билан қўлга киритилади. Лекин мен учун айнан шу муҳит керак эди. Чунки қаттиқ талаб қўйиладиган тизим инсонни чинқиради, фақат билим берибгина қолмай, масъулият, интизом ва мустақил фикрлашга ҳам ўргатади.

Чехияни танлашимнинг бир неча асосий сабаби бор. Биринчиси – таълим аъналари ва сифати: бу ерда тиббиёт мактаби узоқ тарихга эга, клиник тажриба билан назария бир-бирига боғланган, талабанинг қўлида фақат китоб эмас, бемор олдидаги ҳақиқий масъулият ҳам бор. Иккинчиси – халқаро муҳит: турли давлатлардан келган талабалар билан ўқиш фикр доирасини кенгайтиради, тиббиётга ва ҳаётга кенгроқ қарашни ўргатади. Учунчиси – Чехия молиявий жиҳатдан ўртамайна яшайдиган ўзбек оиласи учун Фарбий Европанинг кўп давлатларига қараганда анча қулай: кундалик харажатлар ва яшаш нархлари нисбатан арзон.

Кейинги соволингизга келсак, тиббиёт мен учун шунчаки касб эмас, инсонларга хизмат қилишдир. Иши тушган инсоннинг саломатлиги, ҳаёти, оиласи, эртаси сенинг қарорингга боғлиқ бўлади. Бу соҳада тахмин эмас, далилга асосланган билим, совоқонлик ва бир вақтнинг ўзида инсон-парварлик талаб қилинади. Мана шу юқори масъулият мени ўзгача тарбиялайди, ўзимни ҳам, дунёқарашимни ҳам узлуксиз равишда ўсишга мажбур қилади.

– Мусофирликнинг нони қаттиқ бўлади. “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан”, деган мақол ҳам бор. Ўзга юртга, ўзга урф-одатли, ўзга менталитет одамларига, бутунлай бегона муҳитга мослашиб кетиш осон бўлмагандир? Топганларингиз ва йўқотганларингиз ҳақида гапириб бера оласизми? Инсоннинг шахс сифатида шаклланишига унинг дунё қўриши нечоғлик таъсир қилади, деб ўйлайсиз?

– Албатта, мусофирликнинг нони қаттиқ. Бу гапни мен назарияда эмас, амалда ҳис қилганман. Чет элга чиққан инсон, аввало, тил, ҳужжат, ижара, дарс, иш, кундалик майда ташвишлар билан юзма-юз қолади. Лекин энг оғир маънавий қийинчилик эмас, ички ҳис-туйғу: ўз уйингизда “табиий” бўлган нарсалардан кечасан. Сен кимлигингни, қандай қадриятларга таянишингни ҳар куни ўзингга исботлаб яшайсан. Мослашиб осон бўлмади. Бошида муҳит бегона: одамларнинг мулоқоти, юмори, масофаси, тартиб-қоида, ҳатто майда одатлари ҳам бошқача. Бирок вақт ўтиб тушунасан: бегона муҳит сенга қарши эмас, у сени тар-

биялайди. Сен эса у ерда ўзингни йўқотмаслигинг, ўрганишни билишинг керак.

Топганларим кўп. Биринчиси – мустақиллик. Четда инсон ҳеч кимга сўяна олмайди: қарорни ҳам ўзи қабул қилади, оқибатини ҳам ўзи кўради.

Иккинчиси – интизом ва вақт қадри. Бу ерда вақтга муносабат қаттиқ: кечиксанг, демак, тайёр эмассан. Учунчиси – фикрлаш маданияти: мен турли миллат ва турли қарашдаги одамлар билан ўқиб, бир ҳақиқатни тушундим: илмда ҳис-туйғу эмас, далил гапирди. Бу менга ҳам ички тартиб, ҳам касбий ҳолислик берди. Энг муҳими, Ватан қадри. Одам ўз уйдан узоқлашганда, Ватанни кўпроқ ҳис қилади. Ўзбекистон мен учун географик жой эмас, масъулиятга айланди.

Йўқотганларим ҳам бор. Энг каттаси – оила билан бирга бўлишдайдодийгина бахт. Яқинларингнинг қувончи ва ташвишли лаҳзаларида ёнида бўла олмаслик оғир.

– Ватан соғинчи кўз ўнгингизда қандай намоеён бўлади?

– Соғинч кўпроқ оддий нарсаларда билинади: уйдагиларнинг овози, она тилида сўхбат, болаликдаги одатлар, таомлар, ҳатто ҳавонинг ҳиди. Байрам кунлари ёки оила билан бирга бўлиш керак бўлган пайтларда бу ҳис янада кучаяди. Бирок бу ҳиссёт менга ўзимни йиғиштириб олишга ундайди ва мақсадимни эслатиб туради: инсонларга фойда келтирадиган касбни пухта эгаллаш ва юртимга керакли инсон бўлиш.

– Чехияда ўзбеклар кўп экан. Ўз ватандошларингизни учратганда, нималарни ҳис этасиз?

– Аввало, хурсанд бўламан. Ўз тилимда “Ассалому алайкум” дея сўрашиш имкони юракка иссиқлик беради. Бироз бўлса ҳам, ўзингни ўз уйингдагидек ҳис қиласан одам. Шу билан бирга, менда масъулият ҳам пайдо бўлади: биз бу ерда ўзимизни қандай тутишимиз билан халқимиз ҳақида тасаввур пайдо қиламиз. Биз бу ерда ўзбек миллатининг юзимиз.

Баъзи ўзбек йигит-қизлари оғир ишлар қилиб, пул топиб юришади. Мен уларни айбламайман. Кўпчилиги оиласига ёрдам бериш илжинида. Ҳалол меҳнат уяг эмас. Лекин “Ўқийман” деб келиб, ишга берилиб кетиб, ўқишни орқага суриб қўйган йигит-қизларни кўрсам, ичим ачийди. Мен ўз миллатни вақтларини балан мақсадлар билан яшаётганини қўришни истайман. “Кейинроқ ўқийман” деган гап йиллар давомида давом этиши ва бора-бора бу истак бутунлай йўқолиб кетиши мумкин. Ишлашга мажбур бўлса

ҳам, мақсадни йўқотмаслик лозим.

– Ривожланган давлатлар тажрибасини кўрган зиёли инсон сифатида Ўзбекистонда таълим ва тиббиёт тизимини янада кучайтириш учун қандай таклифларингиз бор? Мен ўйламанки, ҳаммасини инсонларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартиришдан, ҳар ким ўзини ўзи тарбия қилишдан бошлаши керак. Кўпинча фарзанди туғилганида қарз олиб бўлса ҳам дангиллама бешик тўйи ўтказган, тўқларни тўйдириб бойлигини кўз-кўз қилган ота-оналар, пайти келганда ўша фарзандига китоб олиб беришга ёки уни қўшимча тўғарақлар, ўқув курсларига юборишга, таълим олишига сарфлаш учун пулларини қизганадилар. Ваҳоланки, таълимга тикилган пул – келажак учун энг яхши сармоа. Сиз бунга нима дейсиз?

– Мен ҳам сиз айтган фикрга қўшилман: ислохотлар инсоннинг онги ва дунёқарашидан бошланади. Чунки тизимни инсон ташкил қилади: раҳбар, шифокор, ўқитувчи, ота-она... Агар жамиятда “кўз-кўз” қилиш эмас, билим ва меҳнат қадрланса, таълим ҳам, тиббиёт ҳам тезроқ ривожланади. Таълимга сарфлаш вақти келиб фақат бир инсонни эмас, бутун оилани, бутун миллатни, ҳатто бутун инсониятни юксалта кўтариши мумкин.

Мен бундай тарбияни ўз оиламдан кўрганман. Бизнинг уйда бирор юмушни бажаришимиз, қаергадир бориш керак бўлиб қолган пайтда бир оғиз “имтиҳоним бор” десам, ҳеч ким мени мажбур қилмаган. “Бор, дарсингни кил”, дейишарди. Мен бой оиладан эмасман, лекин ота-онам ҳар доим таълимни биринчи ўринга қўйган: турли тўғарақ, қўшимча дарслар, тил курслари, керак бўлса, китоб ва материаллар... Ўқиш учун пул керак бўлса, имкони борича ҳеч қачон рад этишмаган. Менинг Чехияга келиб ўқишим ҳам ота-онамнинг шу қўллаб-қувватлаши ва узоқни кўра олган оқилона инвестициялари туфайли бўлди.

Тизимга таклиф сифатида қисқача айтсам: таълим ва тиббиётда сифатни баҳолаш ва жавобгарлигини кучайтириш, далилга асосланган ёндашувни кенгайтириш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ота-оналар орасида “тўйга эмас, билимга сарфлаш” маданиятини кучайтириш керак. Шу ўзгаришлар бир-бирини тўлдириб, натижа беради, деб ўйлайман.

– Европада талабалар учун яратилган қулайликлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Европада, хусусан, Чехияда тала-

балар учун қулайликлар кўп, лекин талаб ҳам қаттиқ. Таълим тизими одатда жуда аниқ: дарс жадвали, имтиҳон талаблари ва баҳолаш мезонлари олдиндан маълум бўлади, шунинг учун тайёргарликни режалаштириш осонроқ. Университет кутубхоналари ва онлайн манбалар яхши ишлайди, кўп илмий материалларга кириш имконияти бор. Талабалар учун жамоат транспортида чегирмалар, баъзи жойларда талабалар турар жойи, спорт имкониятлари ва талабалар ташкилотлари орқали ҳаётга мослашни энгиллаштирадиган муҳит яратилган. Тартиб-қоида ҳам муҳим: кўп иш қонун асосида, тизимли кетади, ҳужжат ишлари ва кундалик масалаларда ҳам аниқлик бўлгани талабага хотиржамлик беради.

Ноқулай томонлари ҳам йўқ эмас, албатта. Энг каттаси – юкларнинг кўпчилиги: айниқса, тиббиётда материал кўп, имтиҳонлар қаттиқ, стресс юқори, баъзан дам олишга вақт топиламайди. Оила ва яқинлар узоқда бўлгани учун ёлғизлик ҳисси пайдо бўлиши мумкин, чунки бу ерда кўп нарсани ўзинг ҳал қилишингга тўғри келади. Қимматчилик масаласи ҳам бор: ижара, озиқ-овқат ва бошқа харажатлар ҳаммани қаттиқ назорат қилишни талаб этади.

– Сиз тиббиёт соҳасида ўқиш билан бирга, блогерлик ҳам қиласиз. Чехиядаги талабалар ҳаётини ёритиб борасиз. Бундан кўзланган мақсад нима?

– Мен блогерликни Чехиядаги талабалар ҳаёти ҳақида ҳаққоний тасаввур бериш учун қиламан. Кўпчиликка чет элда ўқиш ушалмас орзу ёки жуда қимматдай кўринади. Мен эса амалдаги йўлни, тайёргарликни, ҳужжат ишларини, тил масаласини ва кундалик ҳаётни оддий, тушунарли қилиб кўрсатишга уринаман. Мотивация ва йўл-йўриқ берман: абитуриентлар ва ота-оналарни ҳаддан ташқари кўрқитмасдан, бир вақтнинг ўзида ортиқча ўй-хаёлларга берилишига йўл қўймасдан, реал фактларни улар билан бўлишман. Чехияда ўқишни ўртача ўзбек оиласи ҳам молиявий ва маданий жиҳатдан кўтара олади, деб биламан. Мақсадли режа, тўғри маълумот ва тайёргарлик бўлса, бу йўл кўпчилик учун очик. Мен айнан шу имкониятларни кўрсатишни, одамларга ишонч ва аниқ йўл харитаси беришни кўзлаганман.

– Ўқишдан ва ишдан ортиб бадий китоблар ҳам ўқийсизми? Умуман, рақамли технологиялар замонида бадий китоб ўқиш нечоғлик зарур ва инсонга нима беради, деб ўйлайсиз?



– Бадий китоб ўқиш муҳим, деб биламан. Рақамли технологиялар замонида, айниқса, китоб инсонга инсонлигини эслатиб туради. Китоб ўқиган одам тиник фикрлайди, диққатни жамлай олади, ҳиссёт ва тафаккур бой бўлади. Энг муҳими, китоб сабр қилишни ўргатади ва чуқур тафаккур қилиш қобилиятини шакллантиради. Лекин ростини айтсам, ҳозир мен бадий адабиётни кўп ўқий олмаяман. Тиббиётда ўқиш юкларимиз катта, вақтнинг асосий қисми дарс ва амалиётлар билан ўтади. Бўш вақт топила, мен кўпроқ тарихга оид китобларни ўқийман, шу жумладан, Ўзбекистон тарихи ҳақидаги асарлар мени қизиқтиради.

– Европада таълим олган жадид боболаримиз Европа таълим тизими, фан-техникаси ва жамият бошқаруви тажрибасини ўрганиб, уни ўз юрти тараққиёти учун қўллашга ҳаракат қилганлар. Ўқишни тугатгандан кейин ўз олдингизга қўйган мақсадларингиз қандай?

– Асосий мақсадим – яхши врач бўлиш ва орттирган билимимни Ватан манфаатига, халқ манфаатига хизмат қилдириш. Мен учун дипломнинг ўзи етарли эмас: клиник фикрлаш, далилга асосланган тиббиёт, беморга ҳурмат, жамоада ишлаш ва тизимли ташкилотчилик маданиятини ўзимда мустаҳкамлаш муҳим. Кейинчилик Ўзбекистоннинг ҳам шу стандартларга яқинлашишига ҳисса қўлишни истайман.

Мен жадид боболаримизнинг йўлини ҳурмат қиламан. Улар Европани кўриб, фан ва таълим тажрибасини ўрганиб, ўз юрти учун янги мактаблар очган, дунёвий фанларни жорий этган, миллат онгини уйғотишга ҳаракат

қилган. Мен ҳам шу руҳни давом эттиришни: четда кўрганимни кўр-кўрога кўчириш эмас, балки Ўзбекистон шароитига мослаб, амалда фойдали бўладиган шаклда қўллашни хоҳлайман. Шунинг учун келажақда фақат врач сифатида эмас, таълимда ва жамият ҳаётида ҳам фойдали ишлар қилишни, талабаларга тўғри йўл кўрсатиш, чет элда ўқиш имкониятларини реал ва масъулиятли тарзда тушунтириш, одамларда билимга қизиқиш ва ишонч уйғотишни истайман.

– Ўзбекистонлик тенгдошларингизга дил сўзларингиз?

– Менинг тенгдошларимга айтадиган гапим шу: имконият бор, лекин у ўз-ўзидан келмайди. Ҳар ким ўз ҳаёти учун жавобгарликни олса, ҳар куни оз бўлса ҳам ўз устида ишласа, натижа, албатта, бўлади. Кимдир тезроқ, кимдир секинроқ юради, лекин энг муҳими, тўхтаб қолмаслик. Илтимос, билимни иккинчи ўринга сурманг. Тўй, гап-сўз, бойликни кўз-кўз қилиш ўтиб кетади, лекин билим ва касб сиз билан қолади. Тил ўрганинг, китоб ўқинг, мутахассислиқни пухта эгалланг, тартиб ва интизомни одат қилинг. Ҳар қандай соҳада, айниқса, тиббиётда жамоага керак бўладиган сифатлар шу.

Чет элга чиқсангиз ҳам, чиқмасангиз ҳам, ўзингизни йўқотманг. Ватанга, миллатга муҳаббат фақат гап эмас: ҳалоллик, маданият, меҳнат, одобда аҳо этиди. Сиз шу ватанинг фуқароси, шу миллатнинг вакили сифатида масъулиятни ҳис этишингиз билан намоён бўлади. Қаерда бўлсангиз ҳам, ўзбек деган номдан фазат яхши маънода тилга олинишига сабабчи бўлинг.

Ойдин ЙҮЛДОШЕВА  
сўхбатлашди.

## “СИЗЛАРНИ ЮЗ ЙИЛ КҮТДИК!”

## Бошланиши 1-саҳифада.

Бирок расмий хизмат сафари билан борилган тақдирда, қўрилган ва ўрганилган тажрибаларни ёритиб бериш маънавий ва касбий бурч ҳисобланади. Чунки ҳар қандай халқаро сафар турли музокаралар, расмий мулоқотлар, ёзишмалар, ташкилий ишлар ва пухта тайёргарликни талаб этади. Бундай сафарларнинг амалга оширишида раҳбарлар ва масъул ходимларнинг катта меҳнати ва фидойилиги ётади.

Мен ҳам Фан ва технологиялар университети профессор-ўқитувчилари сафида яқинда Туркия Республикасида малака ошириш дастурида иштирок этдим. Сафар давомида Анкара, Трабзон, Ризе ва Истанбул шаҳарларида бўлиш насиб этди.

Фан ва технологиялар университетида айна пайтда 18 та бакалаврият таълим йўналиши ва 6 та магистратура мутахассислиги мавжуд. Бугунги кунда университет Вашингтон давлат университети, Пекин технология институти ва Даян технология университети, Режеп Таййип Эрдоган университети каби қўллаб-қувватловчи ўқув даргоҳлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

2025 йил октябрь ойида Туркиянинг Режеп Таййип Эрдоган университети делегацияси университетимизга ташриф буюрган ва икки муассаса ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Унга мувофиқ, бир гуруҳ талабаларимиз ушбу университетда таҳсил ола бошлаган бўлса, яқинда профессор-ўқитувчилар жамоаси мазкур муассасада малака ошириш курсларида иштирок этдик.

Университет Туркиянинг шимоли-шарқий қисмида, Қора денгиз соҳилида жойлашган Ризе шаҳрида фаолият юритади. Мамлакатда “чоғ пойтахти” сифатида танилган Ризе шаҳри яшил



тепаликлар ва кенг чой плантациялари билан ўралган. Табиий муҳити, сернам иқлими, тоғли ландшафтлари, шаршаралари, Качкар миллий боғи каби ноёб табиат масканлари билан Туркиянинг энг гўзал худудларидан бири саналади. Сўнгги йилларда шаҳар жадал ривожланиб, кенгайиб, ободонлашиб бормоқда ва замонавий сайёҳлик марказларидан бирига айланмоқда. Ризе шаҳри Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг ота юрти ҳисобланади. Шу боис, ризеликлар бу билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Режеп Таййип Эрдоган университети илк даврда Трабзондаги Қора денгиз техника университетининг филиали сифатида ташкил этилган бўлса, кейинчалик алоҳида фаолият юрита бошлаган. Университетда муҳандислик, табиий фанлар, санъат, саҳна санъати ва дизайн, қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги, бухгалтерия

ҳисоби ва молия, электротехника ва электрон муҳандислик, қурилиш муҳандислиги, сиёсат ва халқаро тадқиқотлар, тиллар, адабиёт ва тилшунослик, физика, ҳуқуқшунослик, астрономия, архитектура, машинасозлик ва аэрокосмик муҳандислик, кимё, тиббиёт ва стоматология, геология, экология, ер ва океан ҳақидаги фанлар, информатика, кимё муҳандислиги, таълим, тарих, фалсафа ва илоҳиёт, математика ва статистика, иқтисод ва эконометрия, соғлиқни сақлаш фанлари, спорт фани ҳамда бизнес ва менежмент каби қўллаб-қувватловчи мутахассислар тайёрланади. Университетда замонавий ўқув бинолари, талабалар турар-жойлари, маданият ва спорт марказлари, кутубхоналар фаолият кўрсатади. Профессор-ўқитувчилар учун алоҳида замонавий турар-жой мажмуалари барпо этилган. Бу турар-жойлар қўлайлиги ва жиҳозланиши жиҳатидан олиймақом меҳмонхо-

налардан дярли фарқ қилмайди.

Университет ҳузурдаги ўқитувчилар малякасини ошириш ва қайта тайёрлаш халқаро марказида “Замонавий педагогик ёндашувлар ва касбий ривожланиш” ҳамда “Ўқитувчиларни ўқитиш” дастурлари асосида 144 соатлик курслар ташкил этилди. Машғулотлар қатъий режа ва жадвал асосида, юқори профессионал даражада олиб борилди.

Университетнинг Зироат факультети декани, профессор Мустафо Ақбулут ўзбек муаллимларини факультет фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида экскурсияга таклиф этди. Декан қабулхонасида бўлиб ўтган учрашув чоғида факультетнинг хорижий олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик алоқалари ва қўшма тадқиқот лойиҳалари ҳақида сўз борди. Мустафо Ақбулут ўзбек тилшунослари иштирокида Зироат факультети ўқитувчилари ва талабалари учун махсус туркча-ўзбекча ботаника лугати яратиш мақсада мувофиқ бўлишини таъкидлади. Бу таклиф асосида икки олий таълим муассасаси олимлари ҳамкорлигида шартнома тузилди.

Туркия Ешлар ва спорт вазирлигининг Ризе вилояти бўлими томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон кунлари” тадбири университетда ўзига хос дўстлик ва маданият фестивалига айланган кетди. Унга турли ўлкалардан келган талабалар ҳам мамнуният билан ташриф буюрди. Устозлар сўзга чиқиб, ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги тарихий дўстлик, маданий яқинлик ва ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришини таъкидладилар. Ўзбекистондан келган талабаларга эсдалик совғалари ва китоблар тақдим этилди.

Ризе шаҳридан 25 қақирим нарида Чаели шаҳарчаси бор. Университет профессори Иброҳим Ҳайри Қўғуғли ўзбекистонликларни



Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,  
тарих фанлари доктори

Чаелидаги ўз уйида меҳмон қилди. Мезбон ўзбек-турк муносабатлари тарихига ишора қилиб, “Биз сизларни юз йил кутдик!” дея лутф қилди. Хонадон дярли кичик музейга айлантирилган. Бу ерда олимнинг бой кутубхонаси, дунё бўйлаб сафарлари давомида тўплаган турли тарихий буюмлари ва эсдаликларни сақланади. Ватанпарвар шоир Иброҳим Ҳайри Қўғуғли ўз меҳмонларига 2013 йили нафар этилган “Севгининг кучи” китобидан тақдим қилди. Айни кунларда шоир шерьлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. “Ўзбекистон кунлари” тадбирида профессор Вали Сўме ҳам “Оташда очилган гуллар” номи шерьий тўпламини совға қилган эди. Ушбу китобдан ҳам қўллаб-қувватловчи ўзбек тилига таржима қилинади.

Қисқа муддатли учрашувлар давомида бир қатор яқин ва узоқ муддатли илмий лойиҳалар тузишга эришилди. Жўмладан, университет проректори Наби Гумуш билан тузилган келишувга кўра, ўзбек ва турк халқларининг маънавий тарихига оид икки тилда китоб тайёрлаш, ўзбек олимлари келаси ўқув йилида бу университетда ўзбек тили ва адабиёти фанидан маъруза ўқишлари, туркий қўлэмалар бўйича матншунослик ишларини амалга оширишлари кўзда тутилди.

Сафаримиз шу тариха янги билимлар, халқаро тажриба, илмий ва маданий алмашинувларга бой тарзда ўтди.



# ШЕЪР ВА ШАХСИЯТ

Бошланиши 1-саҳифада.

“Дўрмон” ижод уйи ҳудудидаги хонадонда Абдулла Орипов 1996 йилдан вафотига қадар яшаб, ижод қилди. Унинг бир қисми бўлган музейда шоирнинг қўлёзмалари, бой кутубхонаси, шахсий буюмлари жой олганки, ҳар бирдан шоирнинг нафаси келиб туради.

Шу маънода халқимизга, хусусан, ёш авлодга Ўзбекистон Қахрамони, Давлат мадҳияси муаллифи яшаган, ижод қилган хонадонни кўрсатиш эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб бораётган эди. Энди Дўрмонга келган киши борки, Абдулла Орипов билан маънавий боғлиқлик ҳис қилади. Ушбу уй-музей бунга тўла имкон беради.

Биз баъзан олдимишдан оққан дарёларнинг қадрига етмаймиз. Тармоқларда, давраларда Абдулла Қаҳҳорнинг “Гуржистонда маданият тарихига оид бўлса, ўлган отнинг тақасини ҳам бахмалга қадаб осиб қўйишар экан” деган гапини ёки Александр Пушкин холасиникига борганда ўтирган курсини музейда сақланиши ҳақидаги маълумотни бирёқлама, баъзан ўз халқимизни беларволикда, тарихий хотирага нисбатан лоқайдликда айблаш учун келтираемиз.

Шу маънода музейнинг ташкил топишида Абдулла Ориповнинг турмуш ўртоғи Ҳанифа аянинг хизматларини таъкидлаш жоиз. Шоирнинг ноёб қўлёзмаларини асраб-авайлаб, ҳатто, эълон қилинмаган шеърларни ҳам сақлаб бугунга етказиб келиш ҳам ўзига хос маънавий жасорат. Адбнинг аёлига “Фидокорона хизматлари учун” ордени берилгани ҳам бежиз эмас.

Ушбу музей халқимизга, адабиёт шайдоларига, ёш ижодкорлар ва тадқиқотчиларга муборак бўлсин!

## ТАҲРИРИЯТ

Абдулла Орипов шеърят остонасига қадам қўйгандаёқ ижодни руҳнинг мутлақ ҳурлиги даражасига кўтарди. Унинг учун Сўз инсон ботинидаги асл “мен”нинг нафсоний истилоплардан халос бўлиш жараёнидир. “Созим” шеърдаги машҳур иккори шунчаки баландпарвозлик бўлмай, балки руҳий мустақиллик ҳақидаги қатъий ва муросасиз хитобномадир:

**Мен шоирман,  
Истасангиз шу,  
Ўзимники эрур шу созим,  
Бировлардан олмадим туйғу,  
Ўзгага ҳам бермам овозим.**

Мисраларда замон ва мафкура таъйиқидан баланд турувчи, ўз фиртарини англаган шахснинг мағрур овози жаранглайди. “Бировлардан олмаслик” руҳий қарамликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кўтарилган исёндир. Зеро, ўзгаларнинг туйғуси ёки дунёқароши ижарага олинган уйга ўхшайди – унда на ҳақиқий ҳарорат, на шахснинг асл қиёфаси намоён бўлади. Шоир кўнглини бегона ҳиссиётлар маконига айлантиришдан тийилиб, руҳий сарҳадларини “мижгов ва пасткаш гаплар”дан, майдақаш ҳасадлардан қатъият билан ҳимоя қилади.

Шоирнинг маънавий ҳурлиги ижодий “мен”ни Тангри берган истеъдод тарозисидида тортишида ақлоқ кўринади. У санъатни нафс бозоридан, арзон шухрат ва бетайин мақтовлардан баланд тузати:

**Керак бўлса, амр этса юрак,  
Келтирурман умримга имон.  
Менинг учун на таъзим керак,  
На ҳолвайтар каби шухрат-шон.**

Абдулла Орипов фалсафасида шахс ўзлигини тонмаган, ички оламни “истило” қилдирмаган тақдирдагина, миллатнинг чинакам дардқашига айланиши мумкин. У “майда гапни кўтармайдиган” шеърят оламни буюк шоир Алишер Навоий руҳиятига боғлайди. “Ўз-ўзимга шеър ўқийман мен” дейиши шахсиятнинг ўз виждони олдидаги энг олий ва холис ҳисоботидир. Бу босқичда ижодий “Мен” бадий ифода воситаси бўлишдан ўтиб, шахснинг маънавий тириклик мантинга сифатида гавдаланади. Сўзининг имон даражасига кўтарилиши шахсиятнинг муҳит вазвасалари устидан қозонган илк ва энг муҳим зафаридир.

Абдулла Орипов Шахс оламга назар ташларкан, инсоннинг маънавий суратини муайян бир замон ёки сиёсий маслак доирасида чегаралаб қўймайди. Шоир одамзод табиатига ҳоз азалий нуқсонлар ва руҳий завол нуқталарини башарият тарихининг теран қатламларидан излайди. Унинг тарихий нигоҳи инсониятнинг “қонли чанги” орасидан шахснинг руҳий дахлсизлигига раҳна солувчи энг хатарли иллатни – нафс ва худбинликнинг ибтидоий кўринишларини фоти этади. “Юзма-юз” дostonидаги мамонт ови саҳнаси маънавий таназзул бошланган дамларнинг бадий ташхисига айланади:

**Ўша кун бузилди азалий удум,  
Уни инсон ўзи бузиб ташлади.  
Кундузги ошқора ўғриллардай у  
Ўлжасин уй-уйга торта бошлайди.**

“Ўлжани уй-уйга тортиш” – эл-улус орасидаги азалий мувоzanатнинг шахсий манфаатлар фойдасига бузилиши ва шахснинг ўз ички “Мен”ни нафс измига топширишидир. Маънавий ҳурлик – мана шу ибтидоий нафс ҳукмонлигидан баланд туриш, “ўлжа” илинжида руҳий озодликни қурбон қилмаслик демак. Шоир ўқтиришича, худбинлик тантана қилган жойда шахсият фожияси муқаррардир. Зеро, инсон ўз ботинидаги ибтидоий ҳирси жинтовлай олмас, у ҳар қандай замонавий ва ялтироқ қиёфада ҳам маънавий тутқун бўлиб қолаверади.

Шахсиятнинг маънавий мустақиллиги унинг тарихий хотираси билан тирикдир. Шоир “Эҳтиёж фарзанди” мақоласида таъкидлаганидек, ижод – руҳий ташналик ва чексиз эҳтиёж махсули. Аммо бу эҳтиёж моддий “ўлжа”га бўйин эмгай, балки руҳий софликка йўналтирилган бўлиши шарт. Абдулла Ориповнинг тарихий-фалсафий мушоҳадаларида шахснинг зафари асрлар оша давом этиб келаётган худбинлик занжирини виждон софлиги билан уза олишида намоён бўлади. Шоир инсонни ўз тарихий илдизларига масъул бўлишга, аждодлар адашган сохта йўллардан Сўз ва Имон қудрати орқали қайтишга чорлайди.

Абдулла Орипов шахсиятнинг маънавий ҳурлиги унинг оломон измига бўйсунмаслиги ва оммавий лоқайдлик жараёнига нисбатан шахс масъулиятини қўя олиши билан ўлчанади. Оломон – шахснинг сийқалашган, виждондан мосуво этилган ва жавобгарлик туйғусини кўпчилик бағрига яширган қиёфасидир. “Оломонга” шеърда руҳий қатлам аёвсиз тафтиш этилади:

**Мунисжон ҲАКИМОВ,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори**



**Нимасан? Қандайин сеҳрли кучсан?  
Нечун томошага бунчалар ўчсан?  
Қаршингда ҳасратли уйга томан,  
Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон?!**

“Томошабинлик” шахсиятнинг заволдир. Оломон учун фожиа ҳам, мардлик ҳам шунчаки завқланиш воситасига айланади. Ижодкорнинг маънавий мустақиллиги мана шу “бигиз урувчи” ва “ҳамма қатори” яшовчи тўда ичида жабрланувчининг, демакки, Ҳақиқатнинг ёнида ёлғиз тура олиш жасоратида намоён бўлади. “Этиқдўз” ҳажвиясидаги кекса қосиб образи оломон руҳиятининг мудҳиш тасвирини беради:

**Қайтиб дўқонига келгач, шу асно  
Кўшниси сўрабди: – Нима гап, отам?  
Чол жавоб қилибди секин, беларво:  
– Ҳамма санчаверди, санчдим-да мен ҳам.**

“Санчдим-да мен ҳам” деган иқдор шахсиятсизликнинг энг куйи нуқтаси, виждонни оммавий “бигиз”га алмаштириш фожиясидир.

Ижодкор оломонни халқ даражасига кўтаришга интилар экан, шахснинг маънавий эркинлигини бош мезон қилиб олади. Кимки, ўз фикри ва имонини оломоннинг вақтинчалик ҳайқириқларига алмашса, у шахс сифатида аллақачон ҳалок бўлгандир.

Шоир ўз мақолаларида таъкидлаганидек, “дид – бу истеъдод” демак, оломон дидига мослашиш ижодий шахсиятнинг ўз-ўзига хиёнатиридир. Шоир ва шахсият ахлитлиги айнан мана шу ижтимоий “тўда” ичида ўзликни сақлаб қолиш ва Сўзнинг илоҳий омонатини сохта олқишларга фидо этмасликда намоён бўлади. Бу мустақиллик шоирга виждон эркини беради.

Абдулла Орипов шахсиятнинг маънавий қуввати унинг ўз илдизларини қай даражада ҳис қилиши ва аждодлар руҳи олдидаги ҳисобдорлиги билан белгиланади. Шоир учун шахс – тарихдан узилган тасодифий ҳодиса эмас, балки асрлар силсиласида товланган маънавий ворисликнинг тирик давомидир. Шоирга берилган “маънавий паспорт” – қондаги “қилич занги” ва “аждодлар охи”дир. Маънавий ҳурлик аждодлар армони ва шижоатини бугунги “мен”га синдиришда намоён бўлади. Шахснинг мустақиллиги унинг тарихий хотираси билан тирик. Агар инсон ўз ирсиятидаги буюкликни ва фожияларни англамаса, у ўзликдан маҳрум, руҳсиз бир жисмга айланади.

“Эҳтиёж фарзанди” мақоласида муаллиф жаҳон адабиёти ва буюк сиймолар ижодини ўрганиш инсонни “Ўз-ўзига маҳлиё бўлишдан” қутқариши ва ҳақиқий ворислик туйғусини уйғотиши ҳақида фикр юртади.

Абдулла Орипов ижодида руҳнинг энг олий истиқлоли бандаликнинг ҳақиқий мақомини топиш ва нафс санамларидан буткул воз кечишдир. Шоир “Ҳикмат садолари” туркумида шахсиятнинг илоҳий илдизларига юз буради. Шоирнинг маънавий ҳурлиги унинг самимий тавбасида намоён бўлади. Шахс ўз хатоларини тан ола билган ва “икки пайсалик савоб” илинжида ўзгага мадад қўлини чўзган пайтадигана том маънода озоддир. “Она нигоҳи” шеърдаги:

**Ёмон назарлардан толиқди руҳим,  
Онам нигоҳини кўрсатинг, ҳазрат, –**

деган илтижо шунчаки фарзандлик соғинчи эмас, балки дунёнинг ёвуз ва маккор назарларидан фориг бўлиб, маънавий софликка қайтиш истагидир.

Муаллиф “Мен англаб етган фалсафа” ва “Сароб” шеърларида дунёнинг моҳияти сохталиши бораётганидан баҳс этади. Бозор – бу фақат олди-сотди макони эмас, балки инсоний фазилатлар, виждон ва диёнат кимошди савдосига қўйилган маънавий таназзул рамзидир. Шоир бу бозорда шахс бўлиб қолишини нақадар мушкуллигини, атрофини ўраб турган “ялтироқ алдовлар” инсонни ўзликдан узоқлаштиришини куюниб ёзади.

**Ҳамма нарса сотилар бунда,  
Ҳатто виждон, ҳатто эътиқод...**

Бу сатрлар шунчаки ижтимоий шикоят эмас, балки шахсиятнинг маънавий эркинлиги хавф остида қолганидан берилган огоҳлантиришдир.

Абдулла Орипов ижодидаги Шоир ва Шахсият концепцияси – бу руҳнинг фаний дунё омонатларидан баланд туриб, боқийлик сари қилган изчил сафаридир. “Рухим” шеърдаги мурожаат шахсиятнинг ўз-ўзига берган энг олий баҳосидир:

**Рухим, сен вужуднинг гамини ема,  
У сенинг манзилинг – омонат кўноқ,**

Бу ерда маънавий мустақиллик ўз чўққисига чиқади – шахс ўз жисмоний чегараларини енгиб ўтиб, илоҳий ҳурликка эришади. Абдулла Орипов талқинида шахсият – бу ҳар қандай ижтимоий зулм, ҳасад бўронлари ёки бозор талотўплари қаршида парчаланмайдиган “камалак”дир. Камалакни парчалаб, бўлақлаб бўлмайди, чунки у моддиятдан эмас, нурдан яралган. Ижодий “мен”нинг маънавий зафари ҳам Сўзнинг мана шундай Нур ҳолатига кўтарилишида намоён бўлади. Шу тариқа, Абдулла Орипов шеърятини – руҳнинг истиқлол декларацияси сифатида намоён бўлади.

Абдулла Орипов яратган ижодий мактаб бизни ана шундай руҳий баландликка, Шахс бўлиб яшаш ва Шахс бўлиб қолиш заҳматида чорлайверади. Рухнинг зафари эса Сўзнинг боқийлигида ва Имоннинг бутунлигидадир.

## ҲИКОЯ

**Оғзинга қон келсам, душман олдида тупурма.  
ҲИҚМАТ.**

Ўғлим ЖАМШИДА

Мен раҳмсиз эмасман. Афғондаги босмачиларга ҳам муносабатим аниқ эди. Аммо, ўша ерда хизмат қилаётганимда бир воқеа содир бўлдики, ҳали-ҳамон унинг мағзини чақолмас эдим.

Биз крепостда турардик. Тошдан ясалган кўрғонда. Деворидан одамнинг боши кўринади. Девор ортидаги майдонга вертолётлар келиб кўнарди, биз кечаси уларни кўриқлардик. Кундузи ҳар хил топириқларни бажарардик. Гоҳо кечаси ҳам босмачилар яқин келгани ёки бирон қишлоқни босганини эшитсак, бораверардик. Эгнимизда ўқ ўтмайдиған жилет, қўлимизда автомат. Командир буюрса, бас...

Энимизда битта ўзбек қишлоғи бор эди. Жуда хароб яшайди у ернинг халқи. Одамларини кўрсангиз, ачинаб кетасиз. Кир-чир, қўллари қадоқ... Қишлоқнинг ўртасида дўқонлар бор. Ўлимни ўйламасақ ҳам, барибир бўйинга олиб қўйгандик. Биласизми, жуда кўркмас одам ҳам, жуда кўрқоқ одам ҳам тез ўлар экан: битта наманганлик ўртоғим бор эди. Келганида майингина йигит эди. Бўйи мендан икки қаричлар баланд. Олти ой ўтмасдан бронезилет киймасдан жангга қирадиган бўлди. Ўлимни сира ўйламас эди. Босмачиларнинг снайперлари унга қасдлашган экан. Буни кейин билдик... Бир куни иккаламиз крепостнинг ёнида – мен чўзилиб ётганим, у тошда ўтирганди. Рўпарамизда баланд тоғ-тошлар, ғадир-будур. Дарахт йўқ. Ўртоғимга ўқ текканини билдим... Эшитдим. Ўқнинг овозини эшитганим йўқ; мана шу еридан – қоқ пешонасидан теккан экан: чинқириб юборди. Жойидан салчиб кетди. Орқага йиқилди. Мен ҳам ўрмалаб, тош панасига ўтдим. У типирчилаяпти. Тоққа қараб турсам, бир тошнинг орқасидан саллани киши чиқди. Бўйини чўзиб бу ёққа қарай бошлади. Ўликини кўрмоқчи-да. Калласини ё қулқ-бурнини кесиб кетади. Ё автоматини олиб кетади. Отидим салланини. Сурилиб тушиб келди. Устига бориб, яна отдим. Йўқ... тушгунча ўлиб бўлган экан.

Милтигини олиб келдим. “Бур” деган милтиқ экан. Инглизларники. Бизнинг снайпер милтиғимиз билан тенг туради. Ҳе, кейин кўп болалар ўша милтиқ билан расмага тушишди. Хуллас, жуда кўркмас одам ҳам тез ўлар экан. Мен сизга бошқа нарса ни ҳикоя қилмоқчи эдим. Яхшиям ўртоғимнинг ўлимни айтдим. Ана ўшанда мен биринчи марта йиғладим. Йиғладим-у, шундан кейин бошқа бировнинг йиғлаганини кўрсам, тоқат қилолмайдиған бўлиб қолдим. Битта йигит тўртинчи даражаги бош ошпаз экан. Вазодга келиши билан: “Мен ошпаз бўламан”, деб туриб олди. Узимизда ошпаз бор. Командир: “Йўқ”, дейди. У бўлса... йиғлайди. Шунда бир-иккита руслар ҳам ундан кулишди. У бир ҳафтадан кейин биринчи жангда ўлди. Сизга айтмоқчи бўлган ҳикоям энимиздаги қишлоқлик бир ўзбек бола ҳақида.

Ўн беш ёшда эди. Лекин... ийриккина эди. Гилам дўппи кийиб юрарди. Онаси, тўртта укаси бор экан.

Ўша бола менга битта кучуқвачча олиб келиб берганди. Қозоқи итга ўхшайди. Расмиям бор. Мана, оёқларига қаранг, қандай йўғон... Э, биз қишлоқлик билан яқин бўлиб қолгандик!

Бир куни босмачилар яқин келганини эшитдик. Жўнадик. Олдинда сапёрлар. Орқада биз. Дух ҳам эргашди (мен унга Дух деб аташарди у ёқда. Улар – тоғ одамлари. Қўлга тушириш қийин. Ўлдирдим деб устига борсангиз, сизни отиб қўяди...)

Ҳа-ҳа, Дух ҳам бизга эргашди. Ит – ит-да. Манини босиб қўйиши мумкин. Йўлда бир қисмдан ўтаётгандик, уни қолдирдим. Бир қладовкага қамашди.

Биз кетгандан кейин шу қисмин текширишга комиссия кепти. Битта капитан ҳалиги омонат уйчаням очирипти. Дух унга ташланган экан, у тўппончадан отипти. Оёғига тегипти. Орқамиздан оқсаб етиб борди. Кейин... уни Ҳаким олиб кетди.

Ўша бола-да... Баъзан мен билан гаплашиб ўтирарди. Нима? Қишлоққа оралаган босмачилар ҳақидаям хабар берарди. Йўл кўрсатарди баъзан.

– Сизлар Ўзбекистондан келиб қолган ўзбекларми? – деб сўрасам, дабдурустдан жаҳли чиқарди.

– Мумкин сизлар биздан бориб қолган ўзбеклар! – дерди. Мен ичимдан қувонардим. Биласизми, ўзбек эканинги бу ерда – Ватанда қадрига етмайсан, эсламайсан ҳам. Аммо четда... билинар экан. Биринчидан, тезда топшасан. Қайси юртдан эканини сўрайсан. Сўхбатлашасан. Тилинг бир, урф-одатинг бир... У ерда жудаям тез яқинлашиб, жигар бўлиб кетасан экан. Сўнгра мен бир нарса ни кўрдим, аникрофи, ишондим: бизнинг ўзбек болалари яхши урушар экан! Мана мундай кичкинасиам тезда юрагини босиб олади. Қарабсизки, автоматни кўтариб кетяпти. Тўғри, биздан героилар кам чиқди. Лекин героилек бериш бизнинг қўлимизда эмас эди...

Нима? У ердаги талай босмачилар ҳам – менимча, ўзбеклар эди.

Хуллас, ҳалиги афғонлик ўзбек болаям бизга бир укадек бўлиб қолди.

Сўхбатимиз энди... У қўпинча Союз ҳақида сўрарди. “Сизлар неча жон оилада?” деб сўрарди. Тагин, бизни яхши кўрарди-ю, лекин қандайдир, нима десам экан, ҳадиксираб қарарди. У бизга арақ олгани борганидаям қандайдир кўрқиб, ҳам жирканиб борарди. Йўқ, уларда сухой закон!

Бир оқшом қишлоқ яқинида босмачилар пайдо бўлганини эшитдик. Телевизор кўриб ўтирган эдик. Командир буюрди. Кетдик... Ўша жойга яқинлашгач, ракета отдик. Ҳалигидай

Шуқур ХОЛМИРЗАЕВ



осмонда тўхтаб турадиган ракетадан. Мушакни кичкина парашут тутиб туради. Уч-тўрт минут атроф кундуз кунгидек ёришиб туради. Шунда отамиз!

Улар кўпчилик экан. Отиб боряпмиз, отяпмиз. Охири биттаси яраланган экан, уни ташлаб қочишди. Олдин борганлар уни тутиб келишди. Қарасам, ҳалиги Ҳаким...

Бирдан бурилиб кетдим. Кўрғонга қайтдик. Бу ер ёп-ёруғ. Проекторлар кўн-да. Командир ҳам штабдан чиқиб келди. Унинг яқин дўстлариям. Бола ўртада зўрға қийшайиб турибди: ўнг оёғидан қон сизиб тушяпти. Мени кўрди-ю, бирдан йиғламоққа тушди-ку!

– Ака, мени ўлдирасизлар. Ўлдирманлар. Улар мени олиб кетишаётган эди...

– Ўлмайсан, ўлмайсан, – дедим.

– Йўқ, ўлдирасизлар!

– Ҳаким?

– Сизлар асир тушганини ўлдирасизлар!

– Йўқ, дедим-ку! Сени мана булар ҳам танийди...

– Йўқ, танисаям ўлдирарди. Хўп, гапи-ку, майли... Йиғлаганини айтмайсизми? Чинқириб йиғлаяпти денг!

Ўлай агар, тоқатим қолмади. Қарасам, баъзи ўрислар кулишяпти ундан. Шунда, ишонасизми, кишида миллий туйғу дейсизми, қандайдир ор-номус дейсизми, фалати бир туйғулар уйғониб кетар экан:

ўша боладан эмас, ўзимдан кулишаётгандек бўлди. Худо ҳақки! Энимиздаги ўзбек болалар ҳам унга ялина кетишди:

– Йиғлама. Ўлдирмаймиз...  
– Ўлдирасизлар... Менинг айбим йўқ!

Қизик гап-а? Унинг айби бор-йўқлигини биз, хориждан келган аскарлар ажрим қилар эканмиз.

– Қандай қилиб уларнинг қўлига тушипти? – деб сўради шунда командир.

Мен ундан сўрадим:  
– Қандай қилиб уларнинг қўлига тушдинг? Ана шунда бола пақир йиғидан тўхтади:

– Мен сизларни ёмон кўраман, – деди.  
– Секим, аҳмоқ.

– Сизлар – босқинчи... Нега бизнинг юрта келдинглар? Тинчгина яшаётиб эдик...

– У ёғини ҳукуматингдан сўра, – дедим. – Тушундингми гапини?

– Ҳукуматим сотқин, – деди. Таваб.

Кимдир шунда бу гапни командирга таржима қилди. Бундай пайтада ҳукм қатъий бўлади...

– Ҳаким энди ўласан, – дедим.  
– Билардим-да, хунхўрлар! – деб яна уввос солиб йиғлай бошлади.

– Йиғлама, – дейман. – Мард бўлсанг, охиригача мард бўл, укажон. Йиғлаб нима қиласан?

Болалар яна қўшилишди:  
– Фойдаси йўқ. Ёшлик қилма... Ўлим ҳаммамнинг бошида бор... ука... Кўрқма.

Шунда у баттарроқ йиғласа бўладими! Қарасам, қишлоқ томонда ҳам йиғи бўлапти. Чамаси, болани овозидан танишган. Лекин бизга яқин келишолмайди.

– Ука, йиғламасанг, сени олиб қоламан, – дебман шунда. – Майли, отилиб кетсам ҳам... Хўп дегин. Сени қамаб қўяман. Кечаси чиқариб юбораман.

– Ялғон! Ялғон! Сизлар қонхўр! Сизлар – ўзбек эмас! – деб тагин бақиршига тушди.

Ҳа. Ўзим автоматни бўшатдим. Шунда... яна таваб дейман, Дух ўлгур аллақайдан келиб, менга ташланиб қолди-ку! Мана шу томоғимга интилади денг. Униям отдим.

Қабристониям шундай яқинимизда эди... Хотин, қиз, кампир дегани шу қуни кечгача мазорда ўтириб йиғлашди. Мен шундай ҳолатга тушдимки, ўзимни ўзим отиб қўйишимга оз қолди. Кечқурун улар чарчаб уйларига кетишди.

Биз ҳам ётдик. Қизик, кўзимни юмсам, қайтага Ҳакимнинг қийшайганча дод солиб йиғлаётгани ҳам, Духнинг бўйнимга салчигани ҳам кўз олдимга келади. Урулларининг бузлаб йиғлаганлари эшитилади.

Охири туриб бердим. Йигитлар уйғоқ, наша чекишаётган экан.

– Менгайм ўраб беринлар, – дедим.  
– Чекмас эдингиз-ку?  
– Шояд ухласам... Эй, болалар, “бизлар – босқинчи”ми, а? Болалар миқ этмади.  
– Наҳотки Ҳаким ҳақ бўлса?  
Яна жимжитди.

...Ўн йиллардан кейин уларнинг “дух”лари – босмачи эмас, биз – Совет аскарлари – ҳақиқий босмачи эканимизни тушундим.  
Биз гафлатда қолган авлод эканмиз. Ана бунинг учун йиғласа арзийди.



Бошланиши 1-саҳифада.

# МИЛЛИЙ КИНО ТАЯНЧИ

Шу лаҳзаларда инсон ўзини оддий кузатувчи эмас, воқеалар ичида яшаб турган иштирокчи каби ҳис этади: қувонади, изтироб чекади, кўзига ёш олади. Саҳнадаги қаҳрамонлар билан бирга ўйлайди, улар билан бирга қийналади. Шу тарзда томошабин ўтмишни кузатмаётгандек, балки тирик ҳаётни ҳис қилаётгандек бўлади. Унинг қалбида кечмиш ва бугун бир нуқтада тутади. Тарихий шахслар китоб саҳифаларидаги номлар эмас, унинг ёнида турган тирик инсонлар каби намоён бўлади.

XX асрда файласуф ва адабиётшунос олим М.М.Бахтин бу ҳодисани “ёзувчи – қаҳрамон – китобхон” мулоқоти сифатида изоҳлаб, санъатга янги назарий тушунча киритган эди. Унинг фикрича, ҳақиқий санъат асаридега ижодкор, асар қаҳрамони ва уни қабул қилаётган инсон ўртасида тирик маънавий мулоқот юзга келади. Шиллер ва Гёте даврида кино санъати ҳали мавжуд эмас эди. Аммо улар таърифлаган бадиий таъсир қудрати кейинчалик кино табиатига ҳам тўла мос келди. Чунки кино худди театр каби инсонни вақт ва макон чегарасидан чиқариб, уни тарих билан юзма-юз қўяди.



навий пойдевор ҳамдир. Уни асраш, ҳолис талқин қилиш ва келажак авлодга етказиш эса давлат сиёсати даражасида етук тафаккур ва узоқни кўра билишни талаб этади.

Кейинги йилларда кинематографияга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ана шу ҳақиқатнинг амалий ифодасидир. Давлатимиз раҳбари кино ижодкорлари билан учрашувда бундай деган эди: “Сўнгги йилларда миллий киномиз қайта “уйғонди”, десак, тўғри бўлади. Юқори савияли, замонавий сифатли фильмлар пайдо бўлди. Бунинг учун сизларга миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, кинематографияни ривожлантириш учун яна нималар қилишимиз керак, деган савол мени ўйлантиради. Агар тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий гурурини кўтармоқчи бўлсак, буни биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак”.

Бу фикрлар миллий кинематографияни стратегик аҳамиятга эга соҳа сифатида ривожлантириш, тарихий хотирани экран орқали жонлантириш ва миллий гурурни мустақамлашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмунини очиб беради. Бугун кинога маданий ҳодиса экани баробарида халқ хотираси ва маънавий меросини асровчи муҳим ижтимоий-маърифий восита сифатида қаралмоқда. Ана шу сиёсий ироданинг амалий ифодаси ўлароқ Президент қарори қабул қилиниб, 2024–2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури тасдиқланди. Мазкур дастур доирасида жами 54 та фильм – 21 та бадиий ва 33 та бадиий-публицистик киноасар яратиш режалаштирилган.

Бу лойиҳа юзлаб сценарист, режиссёр, тарихчи ва тадқиқотчилар иштирокида яратиладиган улкан маънавий хазина ҳисобланади. Дастурнинг асосий мақсади тарихни илмий ҳолислик ва бадиий етуклик асосида, инсон тақдири орқали ҳаётнинг тарзда очиб беришдан иборат. Ҳақиқий санъат асари томошабини шунчалик кузатувчи қилиб қўймайди – уни уйлашга, хулоса чиқаришга ва ўз ўтмиши билан фахрланишга ундайди. Шу маънода, тарихий фильмлар ёш авлоднинг миллий ўзлигини англашида, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда “Тирик тарих” мегалойиҳаси доирасида дунё амалиётида кам учрайдиган йирик давлат кинодастурининг барча механизмлари ишга туширилган. Ҳозирга қадар бир неча фильм тўлиқ якунланиб, томошабинлар эътиборига тақдим этилди. Қатор лойиҳалар

икки босқичли танлов асосида сараланиб, ишлаб чиқариш жараёнига киритилди. Айни пайтда фильмлар турли босқичларда – сценарий тайёрлаш, тасвирга олишга тайёргарлик, суратга олиш ва постпродакшн жараёнларида давом этмоқда. Жорий йилнинг дастлабки ойларида дастурда назарда тутилган яна бошқа лойиҳалар бўйича ҳам танловлар ўтказилиб, ижодий жамоалар шакллантирилди.

## ЭКРАНДА ЖОНЛАНГАН ТАРИХ

Сўнгги икки йил давомида яратилган “Баҳодир Ялангтўш”, “Ажиниёз”, “Махтумқули Фироғий”, “Улуғ Амир ва донна Мария” каби фильмлар миллий кинематографиямизда тарихий мавзуларга янгича ёндашув шаклланаётганини кўрсатди. Бу асарларда тарих қуруқ саналар ёки расмий баёнлар эмас, инсон тақдири, шахс ва миллат муносабатлари, Ватанга садоқат ва маънавий масъулият каби мураккаб танловлар орқали очиб берилди. Мазкур фильмларда тарихий шахслар ўз замонасининг оғир юкини кўтарган, изтироб чеккан ва муҳим қарорлар қабул қилган тирик инсонлар сифатида намоён бўлади. Бу эса томошабинга тарихни янада яқин ва таъсирчан тарзда англаш имконини беради.

Хусусан, “Баҳодир Ялангтўш” ва “Махтумқули Фироғий” фильмлари нафақат миллий кино ҳаётида, балки бутун туркий дунё маънавиятида ҳам муҳим воқеага айланди. Улар қатор халқаро ва миллий кинофестивалларда намойиш этилиб, юқори баҳоланди. Шу билан бирга, мазкур фильмлар “Олтин Ҳумо – 2025” миллий кино мукофотида ҳам муносиб эътироф этилди.

“Баҳодир Ялангтўш” фильми, айниқса, алоҳида эътиборга лойиқ. Унда тарихий шахс саркарда ёки жанг қаҳрамони бўлибгина қолмай, давлатчилик, маданият ва шаҳарсозлик ривожига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар инсон сифатида тасвирланади. Фильм орқали томошабин буюк бобокалонимизнинг жасорати билан бирга унинг давлатпарварлик тафаккури, халқ олдидаги масъулияти ва инсоний фазилатларини ҳам англайди.

## УЧ АВЛОД ТАНДЕМИ

Бугунги ўзбек киносига назар ташласак, унда уч авлоднинг баробар иштирок этаётганини кўриш мумкин. Бу ҳолат миллий кинематографиямиз ривожини учун ниҳоятда муҳим омил. Чунки катта авлоднинг бой тажрибаси, ўрта авлоднинг ижодий изланишлари ва ёш авлоднинг янги кино тилини излаши бир-бирини тўлдириб, миллий кино санъатини янада бойитмоқда.

Катта авлод вакиллари орасида таниқли режиссёрлар – Зулфиқор Мусоқов, Жаҳонгир Қосимов, Абдухалил Мингноров, Ҳилол Насимов каби устоз санъаткорлар борки, уларнинг ижоди миллий кино мактабининг шаклланиши ва ривожига алоҳида ўрин тутди. Ўрта авлод режиссёрлари орасида Ёлқин Тўй-

чиев, Аюб Шаҳобиддинов, Жаҳонгир Аҳмедов каби ижодкорларни алоҳида тилга олиш мумкин. Бу авлод вакиллари миллий анъаналарни сақлаган ҳолда кино тилини замонавий услуб ва эстетик изланишлар билан бойитмоқда.

Энг қувонарлиси, бугун кино майдонида янги, жасоратли ва изланувчан ёш авлод шаклланиб улгурди. Улар орасида Ақром Шоҳназаров, Шокир Ҳолиқов, Абутолиб Адамқулов, Жамшид Нарзиев, Бобур Шерўғли, Жамолиддин Қўзйбоев, Сухроб Қодиров, Шоҳруҳ Расулов каби режиссёрлар кино муҳитига янгиликлар қўшиб кирмоқда.

Масалан, Жамолиддин Қўзйбоев томонидан суратга олинган “Чўлик” фильми “New York Film & Actress Awards” танловида “Энг яхши драма”, “Энг яхши актриса” номинацияларида ҳамда “Asian Talent International Film Festival” да “Энг яхши бадиий фильм” номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Қолаверса, мазкур асар “Global Taj International Film Festival 2025” халқаро кинофестивалининг яқиний саралаш босқичига йўланма олиб, ҳозир Канн кино фестивалининг 79-мавсуми доирасида кўриб чиқилаётгани ўзбек режиссёрларининг дунё кино майдонида ҳам ўз ўрнини топаётганидан далолат беради. Сухроб Қодиров ва Дилшод Усмоновнинг “Қадам” номли қисқа метражли фильми ҳам Канн фестивалининг танлов эътирофга киритилган. Бу ўзбек киносига учун яқин йиллардаги катта муваффақият, албатта.

## ФОРУМ – МУЛОҚОТ ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

2025 йилнинг сўнгги декабрь ойида ўтказилган “Тирик тарих” халқаро кино форуми тарихий фильмлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларга янги суръат бахш этган муҳим маданий воқеа бўлди. Форум турли тажриба, ижодий мактаб ва қарашларни бирлаштирган кенг мулоқот майдони сифатида намоён бўлди. Унда Россия, Япония, АҚШ, Франция, Туркия, Хитой, Қозғистон, Польша, Венгрия, Озарбайжон ва Мўғулистондан 50 га яқин режиссёр, продюсер, тарихчи ва киношунос мутахассис иштирок этди.

Форумнинг амалий натижаларидан бири сифатида 10 дан ортиқ халқаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Бу эса ўзбек кинематографиясининг халқаро майдондаги нуфузини мустақамлаш, миллий фильмларни кенг аудиторияга тақдим этиш ва янги ижодий имкониятларни очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, Россия, Туркия ва Қозғистон билан қўшма кинолоиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Россия билан ҳамкорлик тарихий ва маданий мавзулардаги фильмларни биргаликда яратишга қаратилган бўлса, Туркия билан келишувлар драматик ва замонавий жанрлардаги киноасарлар ишлаб чиқишни назарда тутди. Қозғистон билан ҳамкорлик эса студиялар имкониятларидан фойдаланиш, тасвирга олиш майдончаларини биргаликда ишлатиш ва техник ҳамкорликни ривожлантиришга йўл очди.

Шунингдек, Япония ва Франция билан тажриба алмашиш бўйича муҳим келишувлар белгиланди. Япония мутахассислари томонидан кино технологиялари ва визуал эффектлар соҳасида маҳорат дарслари ўтказиш, Франция киномутахассислари иштирокида сценарий ёзиш ва режиссура бўйича семинарлар ташкил этиш режа қилинмоқда. Бу ташаббуслар миллий кинематографияни халқаро стандартларга яқинлаштириб, фильмларни Канн, Венеция ва Берлин каби нуфузли кинофестивалларда намойиш этиш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, халқаро кинофестивалларда фаол иштирок этиш орқали миллий кино санъатига хорижий инвесторларни жалб қилиш ва янги бозорларга чиқиш имкониятлари ҳам яратилади.

Умуман, форум миллий кино санъатини замонавий талаблар асосида

ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини мустақамлаш ва дунё кино муҳити билан самарали мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилади. Энг муҳими, бундай ташаббуслар тажрибали ижодкорлар билан бирга кинематографияга қизиққан ёшлар учун ҳам илҳом ва янги ғоялар манбаи бўлиб қолмоқда.

## “ОЛТИН ҲУМО” – ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

2025 йил 17 декабрь кунини Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида “Олтин Ҳумо – 2025” миллий кино мукофотининг тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. У нафақат йил давомида яратилган энг яхши фильмлар ва ижодкорларни эътироф этишга қаратилган нуфузли тадбир, балки миллий кинематография ривожини, ижодий салоҳиятни рағбатлантириш ва юқори профессионал мезонларни мустақамлашга хизмат қилувчи муҳим маданий воқеа бўлди.

2019 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин Ҳумо” мукофоти кино соҳасида соғлом ижодий рақобат муҳитини шакллантириш, янги ғоя ва изланишларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, у оддий соврин эмас, миллий кинематографияга қаратилган давлат сиёсати ва ижодкор меҳнатига берилган юксак эътироф рамзидир. Ўз навбатида, режиссёр, сценарист, оператор ва бошқа мутахассисларнинг ижодий изланишларини рағбатлантириб, миллий кинони халқаро стандартлар даражасига яқинлаштиришга хизмат қилади.

2025 йилги маросимда 62 та киноасар – 25 та бадиий, 21 та ҳуж-



Шухрат РИЗАЕВ,  
Кинематография агентлиги  
директори вазифасини  
бажарувчи, профессор

ва кенг жамоатчиликка яқинлаштиришда муҳим ўрин тутаяётгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

## МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Кино фақатгина эрмак томоша ёки кўнгилочар восита эмас. У миллий руҳиятини акс эттирувчи ойна, халқнинг хотираси ва эртанги орзусини боғлаб турувчи маънавий кўприқдир. Экранда намоён бўлган ҳар бир образ, ҳар бир воқеа инсон қалбига таъсир қилади, фикр ва қарашларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Сўнгги йилларда кино санъати миллий маънавиятнинг устуни сифатида янада кенг тарғиб этилмоқда. 2024–2025 йиллар давомида Кинематография агентлиги ташаббуси билан мамлакат бўйлаб 300 дан ортиқ маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Бу орқали кино халқ ҳаётига янада яқинлашди ва унинг тарбиявий аҳамияти кенг жамоатчиликка етказилди. Хусусан, “Кинокарвон” лойиҳаси доирасида мамлакатнинг турли ҳудудларида кўча кино намойишлари ўтказилиб, икки миллиондан ортиқ юрдошимиз бевосита кино билан мулоқот қилиш имконига эга бўлди. Бу нафақат марказ, балки олис ҳудудларда ҳам



кино санъатини кенг тарғиб этишга хизмат қилди. Турли миллий кино, сериал ва анимацион фильмлар ёшлар қалбига миллий гурур, тарихни англаш ва маънавий қадриятларини сингдиришда алоҳида ўрин эгаллаб бормоқда. Айниқса, ёш авлод учун яратилаётган анимацион лойиҳалар тарихни севиш, миллий илди-зимизни англаш ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда муҳим воситага айланмоқда.

Миллий фильмлар замонавий ахборот муҳитида ҳам кенг намойиш этилмоқда. Онлайн платформаларга 500 дан ортиқ фильм ва 120 дан ортиқ анимацион асар жойлаштирилган бўлиб, улар жами 463,6 миллиондан ортиқ мартаба томоша қилинди. Бу рақамлар миллий кино санъатига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Муҳтасар айтганда, “Тирик тарих” дастури доирасида яратилган фильмлар тарихни экран орқали қайта жонлантириб, миллий хотирани мустақамламоқда ва халқ қалбида фахр ҳамда гурур туйғуларини уйғотмоқда. Зеро, тарихга суянган халқ келажакка ишонч билан қадам қўяди. Илди-зимиз мустақам дарахт ҳар қандай бўронларга дош беради.



## ТИРИК ТАРИХ

Бугун халқимиз Янги Ўзбекистон ғояси билан яшамоқда. Бу ғоя фақат иқтисодий ёки сиёсий изоҳотлар билан чекланмайди. У, аввало, миллий хотирани тиклаш, тарихга ҳолис муносабатни шакллантириш ва халқнинг маънавий ўзлигини англаш жараёнини англашдир. Зеро, ўз тарихини чуқур англаган халқ келажакни ишонч билан барпо эта олади. Кўпгина тарихий фақат ўтмиш сифатида қабул қиламиз. Аслида, у тирик жараёндир. Тарих инсон хотираси, маданият ва энг муҳими, китоб ҳамда кино орқали авлоддан авлодга ўтади. Кино ва адабиёт тарихни музей деворларида қолдирмайди – уни инсон қалбига кўчиради.

Шу маънода, 2024 йил май ойида Президентимизнинг киноижодкорлар билан учрашувида “Тирик тарих” мегалойиҳаси тақдим этилгани кино аҳли учун муҳим воқеа бўлди. Бу ташаббус нафақат киноижодкорларни, балки тарихчилар, маданиятшунослар ва кенг жамоатчиликни ҳам бир мақсад атрофида бирилаштирди. Ушбу ғоянинг мантиқий давоми сифатида ташкил этилган “Тирик тарих” халқаро форуми Ўзбекистоннинг тарихига очик, дунё билан маданий мулоқотга тайёр мамлакат эканини яна бир бор намоён этди. Бундай анжуманлар тарихий ҳақиқат ва бадиий тафаккур ўртасида мувозанат топишга хизмат қилади, ёш ижодкорларни тарихий мавзуларга қизиқтиради ва миллий тарихни замонавий кино тилида ифода этишга рағбатлантиради.

## УЙҒОНИШ

Ҳар қандай миллатнинг маънавий қибғаси, аввало, унинг тарихга муносабатида намоён бўлади. Чунки тарих фақат ўтмиш саҳифалари эмас, халқ хотираси, руҳи ва миллий ўзлигини белгилайдиган маъ-




“ Кино томошабинга шундай таъсир қилсинки, у қаерда ўтирганини унутсин. ”  
Роман ПОЛАНСКИ



ОЛАМ ОЛИМИ

# Миядаги GPS тизими кашшофлари



Жон ОКИФ



Мэй-Бритт МОЗЕР



Эдвард МОЗЕР

2014 йилги физиология ёки тиббиёт бўйича Нобель мукофоти иккига бўлинди, яъни Жон Окифга, яъни Мэй-Бритт Мозер ва Эдвард Мозерга "Мияда жойлашув тизимига жавоб берувчи хужайраларни кашф этганликлари учун" берилди. Тадқиқот мияда "ички GPS", яъни жойлашув ва ҳаракатлини бошқарувчи нейрон тизим мавжудлигининг илмий исботи бўлди. Бу кашфиёт инсон хотираси, фикрлаш ва муҳитни идрок этиш механизмларини тушунишда янги босқични бошлаб берди.

## ТАНИШУВ

Жон Окиф Нью-Йорк шаҳрида туғилган. 1967 йилда Канаданинг Монреаль шаҳридаги Макгилла университетиде физиологик психология бўйича докторлик даражасини олиб, Лондон университет-коллежиде тадқиқот олиб борди. 1987 йилда университет коллежиде когнитив неврология профессори этиб тайинланди. Ҳозир "Sainsbury Wellcome" нейрон занжирлари ва хулқ-атвор марказининг директори сифатида ишлаб келмоқда.

Эдвард Мозер Норвегиянинг Олесунн шаҳрида, Мэй-Бритт хоним эса Фоснавог шаҳрида туғилган. Иккаласи Осло университетиде психология бўйича таҳсил олган ҳамда шу ерда танишиб, оила қуришган. Иккаласи ҳам нейрофизиология бўйича фан доктори ҳамда профессор. Жуптлик Эдинбург ва Лондон университет-коллежини тамомлагач, Трондхаймдаги Норвегия фан ва технологиялар университетида ишга ўтади. Мэй-Бритт университетнинг Нейрон ҳисоблаш маркази директори, Эдвард Мозер эса Кавли тизимли неврология институти директори бўлиб ишлайди.

## КАШФИЁТ ТАРИХИ

1971 йилда Жон Окиф миянинг гиппокампус қисмида жойлашган махсус нейронларни аниқлади. Ушбу нейронлар организм муайян жойда турганида координатлар тизимига ўхшаш тартибда ишлайди ва жойлашувни аниқ белгилаш имконини беради. Жой ва тўр хужайралари ўзаро ҳамкорликда ишлаб, мияда мукамал навигация тизимини ҳосил қилади.

2005 йилда Мэй-Бритт ва Эдвард Мозерлар бу тизимнинг яна бир муҳим қисмини – "тўр хужайралари"ни (грид селлс) кашф этди. Ушбу нейронлар маконда координатлар тизимига ўхшаш тартибда ишлайди ва жойлашувни аниқ белгилаш имконини беради. Жой ва тўр хужайралари ўзаро ҳамкорликда ишлаб, мияда мукамал навигация тизимини ҳосил қилади.

Маконни англаш масаласи асрлар давомида олимлар ва файласуфларни қизиқтириб келган. Масалан, Иммануил Кант макон ҳисси инсонда тугма деб ҳисоблаган. Кейинчалик Эдвард Толмен "когнитив харита" тушунчасини илгари сурган. Бироқ бу "харита" мияда қандай сақланиши ва қандай ишлаши узоқ вақт номаълум бўлиб келган. 2014 йилги ушбу кашфиётлар айнан шу саволга аниқ илмий жавоб берди.

## АҲАМИЯТИ

Бу кашфиётлар айниқса нейродегенератив касалликларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Альцгеймер касаллигида гиппокампус зарарланади ва беморлар ақлий йўналишини йўқотади. Шу боис, ушбу тадқиқотлар келажакда бундай касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга замин яратади.

Миянинг навигация тизими бўйича олиб борилган ушбу илмий ишлар инсоннинг юқори когнитив функциялари – хотира, режалаштириш ва қарор қабул қилиш жараёнларини чуқурроқ тушуниш имконини берди. Бугунги кунда мазкур тадқиқотлар сунъий интеллект, робототехника ва нейротехнология соҳаларида ҳам қўлла-нилмоқда. Масалан, мустақил ҳаракатланувчи тизимлар айнан шу нейрон моделларга асосланиб ишлаб чиқарилади.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

МОЗИЙДАН САДО

Devoniy  
(1883–1938)

Хива хонлиги саройида нуфузли хунар эгаларидан бири муҳрон ҳисобланган. Бу касб эгаси хон, вазири акбар, девонбеги, қозикалон, муфтий, қалъа ҳокимлари, райят қозилари учун муҳрлар ясаган. Муҳрлар одатда қаттиқ ёғочдан, кўп ҳолларда хайвон суякларидан ясалган. Фил суягидан ясалган муҳрлар камёб бўлиб, бу айни пайтда муҳр эгасининг ижтимоий-иқтисодий нуфузини ҳам белгилаган.

Хива хонлиги тахтида энг кўп ўтирган Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз замонасида саройида муҳронлик узоқ йиллар Исмоил Пано зиммасида бўлган. Хива яқинидаги Сангар қишлоғидан чиққан Исмоил Пано замонасининг илғор зиёлиларидан бўлиб, муҳронликдан ташқари моҳир наққош ҳам эди. Исмоил Пано 1887 йилда дунёга келган фарзандига таниқли замондоши Комил Хоразмий исмини беради.

Қарангки, вақт келиб Комил Хоразмий яратган янгича "Танбур чизиклари"ни шоғирди-адаши чиройли тарзда қоғозга туширади. Фақат қоғозга эмас, махсус тайёрланган ёғоч бўлақларига ҳам муҳрлайди. У Хоразмнинг қадим "Шашмақом" мусикасининг беназир ижроқисси сифатида ҳам танилади, сабаби, ёшлигидан танбур, дутор ва ғижжакни моҳирона чала олар ва мусиқа асбобларини ҳам ясарди. Ҳатто, ўша вақтда гоят камёб хунар – қурол-созликни ҳам эгаллайди. У чиройли хуснаҳат эгаси ҳам бўлиб, шоирларга девонлари муқоваларини тайёрлашда беминнат ёрдам беради.

Тарихдан маълумки, "Гандмиён шартномаси"да хонлик ўз пулига эга бўлмалиги, чор ҳукуматида амалда бўлган рубдан фойдаланиши шарт қилиб қўйилган. Мустамлакачилар хонлигини тилла ва қумшу тангаларини қоғоз пулларга алмаштириб, аста-секин муомаладан чиқаришга ҳаракат қилади. Лекин оддий халқ ҳамон қоғоз пулга эмас, ота-бобларидан мерос тангаларга ишонарди. Кўп ҳолларда босқинчилар курган завод ва фабрикаларга ўзларига етиштирган маҳсулотларни қоғоз пулга сотишдан бош тортарди. Хон ярим мустамлака юрда иқ-

тисодий парокандалик рўй беришининг олдини олиш мақсадида, яширин тарзда яна олтин, қумуш ва мис тангалар зарб қилишга киришади. Янги зарб қилинган тангаларнинг илк нусхаларини айнан Комил Девоний тайёрлайди. Бу – эндигина йигирма ёшдан ошган йигит учун катта шараф ва ишонч эди.

Исмоил Пано 1900 йилда бевақт вафот этган пайтда ўн уч яшар бўлган Комил амакиси Худойберган Пано тарбиясида олинди. Тугма иқтидорли Комил отасига шоғирд тушган қисқа фурсатда муҳронликдан ташқари, наққошлик хунарини ҳам бир қадар ўзлаштиришга улгурган, бундан ташқари, назмага ҳам қўли келиб қолган. Замондошлари уни "ўн бармоғи ҳам хунар" деб таърифлашган.

У дастлаб отаси ёрдамида саводини чиқаради, сўнг Арабхон мадрасида сабоқ олади. Мадрасада ёш Комилга замонасининг истеъдодли шоири, ўткир сўз устаси, ҳажвчи, моҳир хаттот Юсуф ҳожи Дойи устозлик қилади. Аслида, хаттотлик ва наққошлик ўхшаш хунарлар. Бириси ёғоч, мармар, тошларга ҳарфу шакллар ўйса, бири қоғозга чиройли настаълиқ ёзувларини маржондек тизади. Комилнинг ўта талабчанлиги, хаттотлик хунарини мукамал ўргангани, яхшигина ғазал ва рубоийлар битгани таърифи Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз қулони етиб, уни саройга чақириб, девон ишларига жалб қилади. Шундан бошлаб у шеърларини Комил Девоний тахаллуси билан ёза бошлайди.


Ўз даврининг илғор зиёлиси ўларок, Комил Девоний 1913 йилда жадидлар таъсирида пайдо бўлган "Ёш хивалиқлар" ҳаракатига қўшилиди. Жадидлар кўтарган ғоя ва мақсадларни тезкор англаб, ғазалларини аънавий "ишқ", "ошиқлик"дан замонавий мавзулар томон бурлади.

"Ёш хивалиқлар" хонлик ўрнида Хоразм Халқ Республикасини тузгач, Комил Девонийни ҳам янги маъмуриятда ишлашга жалб қилади. Янги республиканинг илк давлат мукофоти – "Меҳнат" ордени шакли шамоилини ҳам Комил Девоний чизиб беради. Бу Туркистон заминиде ўтган турли хонлик ва амирликларда илк бора европача тақдирлов

ЖАҲОН АЙВОНИДА

## НАҚД ПУЛ ОЛИБ ЧИҚИШ ЧЕКЛАНДИ

Россиядаги жисмоний шахслар 2025 йил 1 апрелдан бошлаб Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари – Арманистон, Беларусь, Қозғистон ва Қирғизистонга 100 минг доллардан ортик нақд пул олиб чиқолмайди. Бу ҳақда Владимир Путин тегишли фармонни имзолади.



Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун эса нақд пулни поезд ёки автомобиль орқали олиб чиқиш бутунлай тақиқланади. Фақат Россиянинг халқаро аэропортлари орқали олиб чиқиши мумкин бўлади.

МЕТА ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ  
АҚШнинг Нью-Мексико штати суди Meta корпорациясининг платформаларида болалар хавфсизлиги бораси-



да фойдаланувчиларни алдаганликда айбдор деб топди ва 375 миллион доллар миқдорида жарима белгилади. Бу ҳақда ВВС хабар берди.

Штат бош прокурори Рауль Торрес ушбу қарорни тарихий деб баҳолади. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Facebook, Instagram ва WhatsApp эгаси бўлган Meta ўз платформаларида болаларнинг шахвоний мазмундаги материаллар ва педофиллар билан тўқнаш келишига йўл қўйган.

## ОЙДА БАЗА ҚУРИЛАДИ



NASA раҳбари Жаред Айзекманнинг нутқиға таяниб, AI Jazeeraнинг ёзишича, ташкилот Ой орбитасида

# ДЕВОНИЙНИНГ ДАРАКСИЗ ДЕВОНИ

усулининг кўриниши сифатида пайдо бўлган нишон эди.

Жадидлар таъсирида пайдо бўлган, халқ қўллаб-қувватлаётган янги республика совет доҳийлари юрагига қўлга сола бошлади. Большевиклар мустақил республикани йўқ қилишда турли ҳийла-найранлар: қурол ишлатишдан кўра кўпроқ янги маъмурият ичиға фитна уруғини сочиш усулини қўллашади. Натижада куни кеча бир сафда туриб, юрт озодлигини байроқ қилган "Ёш хивалиқлар" орасида бир-бирига ишонмаслик, душманлик муҳити яратилди...

Советлар ҳаракатининг энг фаол аъзоларини бадном қилишга зўр беради. Бу тақдир Комил Хоразмий бошига ҳам тушади. 1924 йил Хивада "эскилик тарафдори" тамғаси остида Комил Девоний устидан "намуналик суд" маҳкамаси бўлиб ўтади. Ноҳақ қораланган, бўлмағур тухматлар елкасига илинган Комил Девоний суд маҳкамасидан сўнг Тошқовуздаги қариндошларини қора тортиб, кўчиб кетишга мажбур бўлади. У фақат элда қатагонлар сал тинчигач, ўғли Ҳамза туғилганидан сўнг, 1932 йилда Хивага қайтиб келади. Дарвоқе, Комил Девоний ўғлига машхур маърифатпарвар Ҳамза номини беҳуда қўймаган. Ҳамза ҳам советлар томонидан Хоразмга сургун қилинганда, у билан кўп бор учрашган, таниқли шоир ва драматург билан яқин биродар бўлиб қолган.

Комил Девоний Хива наққошлик мактабининг билимдони сифатида 1935 йилда Тошкентга кўчиб келади ва Фарғона, Қўқон, Тошкент миллий наққошлик санъатини ўрганиш, ўзаро таққослаш ва уйғунлаштириш устида ишлайди. У муқаддам Хивадаги мадраса, масжид, минора ва бошқа меъморий ёдгорликлар дарвозалари пештоқиға тарихлар ёзиш, мармар тошларга ғазалларни ўйиб, нақш билан сайқал бериш билан шуғулланган. Эндиликда бу хунарини Тошкент ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган обидаларга нақш беришга йўналтиради.

Шу даврда у умри давомида ёзган ғазал, рубоий, мухаммасларини тўплаб алоҳида девон тузади ва 1936 йилда Тошкент давлат нашриётига олиб боради. Аммо нашриёт маъсуллари унга "девон эскилик сарқити" эканини айтиб, советлар инқилобидан кейин ёзганларини тўплам қилиш масъаласини беради. Ноилоҳ қолган шоир нашриёт билан тўплам чоп қилиш бўйича шартнома ҳам тузади. Мазкур шартнома бандларидан бирида "Совет давлати амалга оширган бунёдкорликлар ҳақида ёзиш" эслатилган.

Комил Девонийнинг аввал девон шаклида тузган, нашриёт талаби билан шаклан ўзгартирилган тўпламида аънавий шеърят намуна-

ларидан ташқари, жадидлар ғояси таъсирида ёзган илм-фан, маърифат мавзусидаги шеърлари ҳам талайгина, аммо "обод ўлка", "озодлик диёри", "асрий қулликдан ҳалос қилган партиям" каби улғулловчи сатрлар бўлмаган. Замона зайлиға қарши бориш яна бошиға балолар ёдиришини сезган шоир нашриёт мутасаддилари таклиф қилган мавзуларда ҳам бир неча шеърлар ёзиб, нашриётга топширади. Аммо...

1937 йилнинг кузи – ақраб охириларида Тошкентнинг 1-Қоратощ маҳалласи 8-уйида ижод билан машғул Комил Девонийни НКВД ходимлари йўқлаб келади ва ҳеч бир айблов-асоссиз қамоққа олади. Уни дастлаб Хоразмга келтириб, Урганчидаги ҳибсхонада тўхтовсиз тергов қилишади. Терговчилар ундан "хон саройиға яқин ижодкорлар", "жадидларға қўшилган "Ёш хивалиқлар" ҳаракати аъзолари" ҳақида маълумот ва чақувлар олишға уринади. Бирор натижа чиқмагач, уни яна Тошкентга олиб кетишади ва бу ерда ҳам кечяо кундуз тергов давом этади.

Отасидан мерос муҳронлик хунарини санъат даражасига кўтарган, мармару ёғочларға ўйган бектор нақшлари миллият мулкига айланган инсон биринчи навбатда одамийликни ўз юрагига ўчмас қилиб муҳрлаган эдики, ундан сотқин ясашға уринишлар барчаси бекор кетади. Комил Девоний 1938 йил 5 май куни қамоқхонада юрак хуружидан вафот этади.

Девоний ўтган асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмида, советларнинг вақтинчалик илмиқли сиёсати замонида оқланади, аммо унинг шарқона аънавалар руҳида ёзган асарларини тузилган девони ном-нишонсиз йўқлади. Манфур терговчилар шоир тўпламини ашъвий далил сифатида нашриётдан мусодара қилиб, сўнг йўқотган бўлиши мумкин. Буюк Абдулла Қодирини ҳибсга олиш вақтида уйдан олинган барча қўлёзмалар (улар орасида тугалланмаган "Амир Олимхоннинг канизини" романи ҳам бўлган) тақдири ҳам айнан шундай кечганини биламиз-ку!

Кейинчалик тадқиқотчилар Комил Девонийнинг ўша даврда вақтли нашрларда чоп қилинган бир неча шеърлари ва ҳофизлар хотираларида қолган ғазалларини топишға муваффақ бўлади. Булар денгиздан томчи эди, холос...

Девонийнинг гоят юксак дид ва маҳорат билан мармару ёғочларға ўйган нақшлари абадий мулкдир. Бугун қадим Хивага дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюраётган сайёҳлар обидалар пештоқидаги шеъринг услубда ўйилган нақшларни кўриб, хайратта тушмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

космик станция қуриш режасидан воз кечиб, бор эътиборини доимий база қуришға қаратади.

Келгуси етти йилликда лойиҳаға 20 миллиард доллар маблағ ажратиш режалаштирилган.

Вашингтонда Артемис дастурида иштирок этаётган ҳамкорлар, пудратчилар ва ҳукумат расмийлари билан учрашув бўлиб ўтди. NASA учрашувда Ойға роботлаштирилган миссияларни кўпайтиришни эълон қилди. Шунингдек, Ой юзасида ядровий энергия учун шароит яратишни маълум қилди.

## СУВ ОСТИДАГИ ТўҚНАШУВГА ТАЙЁРГАРЛИК



Хитой Тинч, Ҳинд ва Шимолий муз уммонларида сувости мониторинги ва хариталаш бўйича кенг қўламли операцияни амалга оширмоқда. Ҳарбий экспертларнинг фикрича, ушбу маълумотлар АҚШ ва унинг иттифоқчиларига қарши сув остида жанг олиб боришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Reuters агентлиги томонидан ўрганилган кема қузатуви маълумотларига кўра, Dong Fang Hong 3 тадқиқот кемаси 2024-2025 йиллар давомида Тайван яқинида, АҚШнинг Гуамдаки базаси атрофида ва Ҳинд океанининг стратегик худудларида фаол ҳаракат қилган.

## Йўлдаги жанжал учун ЖАЗО



Қирғизистонда ҳайдовчиларнинг йўлдаги агрессив хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди, дея хабар берди 24.kg.

Қонун лойиҳаси ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритиш ҳамда янги – 189-модда жорий этилишини кўзда туттади. Бу модда ҳайдовчилар ўртасидаги низолар, муштлашувлар ва бошқа агрессив ҳаракатларни бевосита тартибга солади.



# ЎТ-АЛАНГА ИЧИДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Улар гўёки “аксилнқилобий ташкилот”-га аъзо, “миллатчи гуруҳ” фаолиятида иштирокчи ёки “советларга қарши тарғиботчи” сифатида тўхматлар билан қатағон домига тортиб кетилган. Тергов ишлари айнан шу асосда юритилган.

Бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган икки тараққийпарвар шахс – Мардонбек Носирбеков ва Отахон Назирхонов ҳаёти ҳам ана шу даврнинг типик, айни пайтда фожиали манзарасини кўз ўнгимизда рўй-рост гавдалантиради.

Мардонбек Носирбеков 1889 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Инқилобгача Тошкент трамвайида вагон ҳайдовчиси бўлиб ишлаган бу инсоннинг ҳаёти бир қарашда оддий шахар ишчисининг тақдирига ўхшайди. Бироқ XX аср бошидаги сиёсий силкинишлар кўплаб инсонлар ҳаётига таъсир қилгани каби Носирбековнинг тақдирини ҳам ўзгартириб юборди. 1918–1921 йилларда у Тошкентда фаолият юритган сўл эсерлар ташкилотига қўшилиб, унинг нуфузли, фаол аъзоларидан бирига айланган. Большевикларга қарши бош кўтарган Осиповнинг сафдоши полковник Абдусолихов (*исми номаълум, 1919 йилда исёнга раҳбарлик қилгани учун отиб ташланган*) билан бирга кўзгалонда қатнашгани хужжатларда қайд этилган.

Исён тор-мор қилинган, Носирбеков кўзгалонда иштирок этганлик важи билан 11 кун ҳибсда сақланади. Бу воқеадан сўнг у сиёсий фаолиятдан четлашиб, ҳаётини оддий меҳнат билан давом эттиришга уринади. Турли муассасалар, жумладан, “Матбуот уюшмаси” (“Союзпечать”)да хисобчи вазифасида ишлаб бошлади.

Ташқаридан қараганда, бир инсон ҳаёти гўёки изига тушгандек кўринади. Аммо 1930 йиллар охирида авж олган оммавий қатағонлар даврида “ўтмиш излари” қайта юз берди, Носирбековнинг тақдирини ҳам давлат хавфсизлик идоралари “назардан четда қолмади”. Шундай қилиб, бир пайтлар гўёки ўчиб, ҳовури тарқалгандек туюлган чўч қайта оловланиб, қаҳрамонимиз ҳаёти ўт-аланга ичида қолди. У 1938 йил 23 февралда Ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари томонидан сўл эсерлар ташкилоти билан алоқада бўлганликда, совет ҳукуматида мухолиф “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзоликда, советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланиб ҳибсга олинади ва Тошкент турмасига олиб кетилади.

Қайдлардан фахмлаш қийин эмаски, тергов ўта шафқатсиз, зўравонлик ва инсон шайнини поймол қилувчи усуллар билан олиб борилган. Мардонбек Носирбековга нисбатан тузилган “айблов хулосаси”да унинг узок йиллар савдогарлик

билан шуғуллангани ва инқилобдан кейин эсерлар партиясининг фаол аъзоларидан бўлгани келтирилган. Осипов кўзгалонда иштирок этгани, кўзгалончи эсерларнинг эски шахар ташкилотидан подполковник лавозимида бўлгани айб сифатида кўрсатилган. Шунингдек, отиб ташланган полковник Абдусолихов ўрнига исёнга раҳбар этиб тайинлангани, кўзгалон бостирилгандан сўнг ҳам совет ҳокимиятига қарши курашни давом эттиргани, “аксилнқилобчилар” деб баҳоланган Мирзо Алимов ва Мирзо Маҳмуд билан яқин алоқада бўлгани таъкидланган.



“Осипов исёни” 1919 йил, Тошкент.

Уста-уст қалаштириб ташланган бу “айбловлар” асосида Мардонбек Носирбеков ЎзСФСР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1938 йил 5 апрелдаги қарори билан 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинади. Орадан бир йил ўтгач, у ўзининг ноҳақ айблангани ва терговда берган кўрсатмалари жисмоний куч ишлатиш йўли билан ёзилганини исботлаш мақсадида СССР Прокуратурасига шикоят хати билан мурожаат қилади. Унда таъкидлашча, Носирбеков 1938 йил 25 февралда “Союзпечать” идорасида кассир бўлиб ишлаб турган пайтида Тошкент Ички ишлар халқ комиссарлиги ваколатли ходими Сахаров томонидан ҳибсга олинади.

“Нима сабабдан ҳибсга олиндим?” деган саволга жавобан Сахаров: “Совет ҳокимиятига қарши тарғибот қилгансан”, деб оддий жавоб қилади. Бироқ Носирбеков бу тарғибот қалон, қаерда ва қандай шароитда амалга оширилгани ҳақида тушунтириш беришларини талаб қилади. Терговчи талмовсираб, одатича: “Ўзинг

биладиган ва гапирган нарсаларингни айтиб бер”, дейди холос. Қаҳрамонимиз ўзини қатъий ҳимоя қилади. Илк сўроқ шу билан якунланади. Бироқ терговчилар унга: “Барибир биз сени айбингни тан олдиришга эришамиз, бошқа йўллар билан бўлса ҳам”, дея таҳдид қилади.

Носирбеков “бошқа йўллар” нима эканини ҳибсдаёқ тушуниб этади. “Айбланаётганларни қаттиқ калтаклашларини эшитдим ва кўп ўтмай бунга ўз кўзларим билан ҳам гувоҳ бўлдим. Икки киши терговдан қайтгач, уларни яримжон ҳолатда калтакланганини кўрдим. Кейинги терговга

қақирилганимда улар мени калтаклашни бошладилар. Мен эса қария, соғлиги заиф одам сифатида бу жисмоний азобларга дош беришдан кўра, балки ҳеч қачон бундай азобларга чидай олмаслигимни тушуниб этиб, улар талаб қилган нарсани имзолашга қарор қилдим”, деб ёзади мурожаатига.

Шундай қилиб, Носирбеков тергов баёнотини турли босим, таҳдидлар остида ўқимасдан имзолайди. Шу муносабат билан у “учлик” томонидан қабул қилинган қарорини қайта кўриб чиқишни ва ёлгон кўрсатмалар асосида берилган жазони бекор қилишни сўрайди. Бир йилча вақт ўтгач, 1940 йил 26 августда Мардонбек Носирбековга берилган жазо мuddати 10 йилдан 5 йилга қисқартирилиб, унинг ўзи “Волгола” меҳнат-тузатув лагерига кўчирилади. Таассуфки, унинг бундан кейинги тақдирини номаълум...

“Миллий иттиҳод” ва сўл эсерлар ташкилотига аъзоликда айбланган яна бир қатағон қурбони Отахон Назирхонов бўлади. У 1887 йили Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳаси Занжирлик маҳалласида туғилган. Унинг ҳаёт йўли ҳам ўша давр шахар аҳолисига хос ижтимоий манзарани акс эттиради. Инқилобгача у ёлланма ишчи бўлиб меҳнат қилган, кейинчалик савдо билан шуғулланган. Янги иқтисодий сиёсат даврида уч йил савдогарлик қилган. 1919 йилда ВКП(б) партиясига аъзо бўлган бўлса-да, 1922 йилда партия са-

фидан чиқарилган. Кейинчалик коммунал банкда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Бироқ...

1930-йиллар охирига келиб шундай муҳит шаклланган эдики, инсоннинг ўтмишга доҳил ҳар қандай ҳаракати (ҳатто, ҳаракатсизлиги ҳам) тайёр айбловга айлантирилиши мумкин эди. Савдо қилиб рўзгор учун гимирлагани ҳам, ҳеч кимга озори тегмай жим юргани ҳам шубҳага олинарди. Қатағон даврининг мантиғи машҳур масалдаги бўрининг кўзичоққа қарата: “Айбинг шуки, учраб қолдинг қорним очганда”, деганига ўхшаб кетарди.

1938 йил 23 февралда Назирхонов Тошкентдаги уйдан ҳибсга олинади. У 1918 йилдан эсер партияси аъзоси, “Иттиҳод ва тараққий” ҳамда “Миллий иттиҳод” ташкилотларининг аъзоси бўлганликда, унинг Андижон филиалини ташкил қилганликда, ташкилотга янги аъзоларни жалб этганликда айбланган. Сўнги вақтгача Осипов кўзгалони етакчиси Мардонбек Носирбеков билан яқин алоқада бўлган, деган айблов ҳам қўйилган.

1938 йил 5 апрелда чиқарилган қарорга кўра, Отахон Назирхонов ҳам 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинади. Бироқ у оғир меҳнат шароитларига бардош беролмай, 1938 йил 7 октябрда ҳалок бўлади.

Отахон Назирхоновнинг фожиали тақдирини, гарчи орадан қарийб ўттиз йилга яқин вақт ўтганига қарамай, унинг оиласи учун маъмулликча қолган эди. 1968 йилда ўғли Ўлмас Отахонов падарининг ўшандан кейинги тақдирини билиш илинжида Ўзбекистон давлат хавфсизлик идораси раҳбарига мурожаат қилади. Ариза яна бир жиҳати билан ўқувчини ўйлантирмай қўймайди. Ўғил отаси тақдирини ҳақида сўрай туриб, оилада унинг ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган бирор яқин қариндоши қолмаганини ёзади. Ақаси Улуғбек Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган, онаси 1950 йилда вафот этган. Бу ҳолат қатағон фожиасининг бир оила тақдирини қандай издан чиқариб юборганини яққол кўрсатади.

Аризада катта талаб ёки айблов қўйилмаган, ягона савол: “Отам оқланганми ёки йўқ?” Бу сўроқ ортда моҳиятан бутун бир авлоднинг изтироби, ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёжини англаб етмас. Шу маънода, Ўлмас Отахоновнинг мурожаати қатағон даврида жаҳр кўрган минглаб оилалар тақдирини ифодаловчи тарихий ҳужжат сифатида қимматли, аҳамиятли манба ҳамдир.

Мардонбек Носирбеков ва Отахон Назирхонов тақдирини архив ҳужжатларида сақланган кўплаб фожиали ҳикоялардан фақат иккитаси, холос. Бу икки тараққийпарвар шахс вафотларидан сўнг, 1962 йил 20 июнда расман оқланган. Лекин орадан ярим аср ўтгачина, тарихий адолат тикланиб, бугун уларнинг номи муносиб ёдга олинмоқда, қадр топмоқда.



Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

АЗИЗ ХОТИРА



## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

**Содиқжон Болтабоев** – 1900 йили Қўқон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 18 ёшигача отаси билан бирга ишлаган. 1915 йили ўзбек мактабида 4-синфини битирган, 18 ёшидан Қўқон темир йўл депосида ишчи, 1922 йилгача котельщик бўлган. 1923–1926 йиллари темир йўл депосида ишлаган. 1922 йил 1 апрелдан партияга кирган. 1926–1928 йиллари Қўқон уезд касабаси уюшмаси раиси, 1928–1929 йиллари округ ижроия комитети раиси, 1929 йил майда Ўзбекистон ССР Советларининг V курултойида ЎзССР Халқ комиссарлар совети раиси ўринбосари, 1929–1931 йиллари Тошкентда Ўзбекистон компартияси Марказий комитети Марказий контроль комиссияси раиси, 1931–1934 йиллари Ўзкомпартия Марказий комитети контроль комиссияси котиби, 1934 йилда Тошкент шахар партия комитети секретари вазифаларида хизмат қилган.

1936–1937 йиллари Ўзбекистон компартияси Марказий комитетининг учинчи котиби лавозимида фаолият кўрсатган. Содиқжон Болтабоев НКВД ходимлари томонидан 1937 йил 10 августда ҳибсга олинган. У 1930 йилда Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий комитетининг собиқ котиби Акмал Икромов томонидан “Миллий иттиҳод” ташкилоти ишига жалб қилинганликда, шунингдек, Нарпай, Қўқон, Бағдод, Каганович, Куйбишев, Фарғонада оммавий кўзгалончи тузилмалар ташкил этганликда айбланган. У ЎзССР Жиноят кодексининг 57, 58, 63, 64 ва 67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланиб, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Тошкентдаги йиғилишида отувга ҳукм этилган. Кейинчалик у 1956 йил 29 июнда реабилитация қилинган.

**Қори Эсон Хонтуруев** – 1884 йили Бухорининг Сабинор қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчилик билан машғул бўлган. Аҳоли орасида миллатчилик, аксилнқилобий тарғибот олиб борганликда, ишонувчан мусулмонларни бирлаштиришга ва совет ҳокимиятига қарши курашишга чақирганликда, халқ душманини ёқлаганликда айбланган. 5568-сонли иш бўйича жиний жавобгарликка тортилган, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо мuddати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган.

**Асрор Зайнулдин** – 1886 йил Наманганда туғилган. 1925 йилдан бошлаб бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1929 йил 22 декабрда ҳибсга олинган. ОГПУнинг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси, 2-, 4-, 10-бандлари билан айбланиб, 10 йил концлагерга ҳукм этилган. 1989 йил 30 мартда реабилитация қилинган.

**Абдукарим Абдувахобхўжаев** – 1894 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Фарғона шахар Ҳш кўчаси 58-уйда яшаган. Миллати ўзбек. У ўзбек бошланғич мактабини битирган. 1921 йилдан Марғилон шахар партия комитети аъзоси, 1922–1923 йиллари Марғилон уезди партия ташкилоти аъзоси бўлган. 1922–1923 йиллари Марғилон уезд партия ташкилоти раисининг ўринбосари, 1923–1924 йиллари Учқўрғон партия ташкилоти раиси, 1925–1926 йиллари Марғилон уезди Қўшчи союзи раиси, 1926–1927 йиллари Марғилон уезд ижроия комитети раиси, 1927–1928 йиллари Марғилон район ижроия комитети раиси лавозимларида фаолият кўрсатган. У Қўқон мухториятининг аъзоси, “Шўро ислом” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотларининг фаол аъзоси бўлган. 1936–1937 йиллари Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг 3-котиби лавозимида ишлаган. 1938 йил 14 октябрда Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясида тузилган акт Давлат хавфсизлик хизмати катта лейтенанти Шишкин, Ишчи-деҳқон Қизил армияси бош Ҳарбий прокурори, 1-тоғфали Ҳарбий юрист Шульцманлар томонидан имзоланган. Отувга ҳукм этилган 36 нафар маҳбуслар рўйхатида Абдукарим Абдувахобхўжаев ҳам бўлган.

Азизбек МАҲКАМОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
Нигорахон АКБАРОВА, тадқиқотчи  
(Давоми келгуси сонда.)



“Зиёли миллат, Ватан нима эдигини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар.

Мунаввар қори АБДУРАШИДХОНОВ

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

**Исоқжон Ибрат (1862–1937) серқирра фаолияти билан жадидлар ҳаракатини янги босқичга олиб чиққан, миллатни илм-фан орқали дунё билан боғлаган ҳақиқий ислохотчи эди. Аммо бу ислохотчилик йўли осон кечмаган.**

1886 йили Қўқондаги мадраса таҳсилни тамомлаб, Тўрақўрғонга қайтган ёш Исоқжон усули савтия мактабини очди. Бироқ, маҳаллий мутаассиб ва амалдорлар уни “кофирлар мактаби” деб баҳолаб, ёптиришга муваффақ бўлади. Бу мағлубият Ибрат учун катта дарс бўлди. У фақат гоёнинг ўзи етарли эмаслигини, ислохотлар учун кучли услуб, мустақил моддий-техник база ва энг муҳими, жаҳон тажрибасини ўрганиш зарурлигини англади. Шу мақсад уни 1887 йилда узок ва машаққатли сафарга ундади.

Қарийб ўн йил давом этган сафар (1887–1896) гарчи зиёратдай кўринса-да, моҳиятан илмий экспедиция эди. Ибрат онаси билан ҳаж қилди, Жиддада воли-



дасидан жудо бўлди. Аммо ҳали Ватанга қайтиш нияти йўқ эди. Унинг “йўл харитаси” ҳайратланарли. Истанбул, София, Афина ва Рим шаҳарларида бўлиб, техника янгиликлари ва маданий ҳаётни ўрганди. Кобулда бир мuddат яшаб, Бомбей ва Калкутта каби саннат марказларида тўрт йил истиқомат қилди. Ҳиндистонда инглиз, ҳинд ва урду тилларини мукаммал ўрганди.

Фарб технологиялари Шарқ дунёсига таъсир кўрсатаётганини ўз кўзи билан кўрди.

1896 йили Ватанга қайтган Ибрат кўрган-кечирганлари асосида ишлаб чиққан режаларини амалиётга татбиқ қила бошлади. Тил эгаллашни озодлик ва тараққиётнинг шартларидан бири деб билди. 1901 йилда чоп этилган “Луғати ситта алсина” (“Опти тилли луғат”) асарини ўзбек, араб, форс,

## ЖАҲОНИЙ ДУНЁҚАРАШ ЭГАСИ

турк, рус ва француз тилларини ўз ичига олган бўлиб, миллатни дунёга олиб чиқадиган кўприк вазифасини ўтади.

“Жомеъ ул-хутут” (1912) китоби эса дунё ёзувлари тарихига бағишланган нодир тадқиқот бўлиб, унда 41 хил ёзув тизими ҳақида маълумот берилган. Бу билан Ибрат ўз халқининг интеллектуал даражасини жаҳон миқёсига кўтаришга интилдди.

Ибрат ислохотларининг энг чўққиси бу унинг шахсий босма-хонасидир. 1908 йили у Оренбургдан литография машина сотиб олиб, уни поезд ва туялар ёрдамида Тўрақўрғонга олиб келди. Ушбу босмахона нафақат Ибратнинг ўз асарларини, балки мактаблар учун дарсликлар ва маърифий материалларни ҳам чоп этиш имконини берди. Бу Туркистондаги биринчи мустақил техник базалардан бири эди. Босмахона қошида ташкил этилган бой кутубхона эса минтақанинг энг йирик маданият марказига айланди.

1937 йилги қатағон тўлкини бу буюк сиймони ҳам четлаб ўтмади. 75 ёшли олим “аксилнқилобчи” сифатида айбланиб, Андижон қамоқхонасида вафот этди. Ҳа, манбаларда айнан шундай битилган: “вафот этди”. Аслида у маърифат йўлида, озодлик илинжида, тараққий орзусида тенгсиз курашга бел боғлаб, бу муҳорабада мардонавор ҳалок бўлган.

Бугун Ибратнинг номи оқланган, унинг мероси эса миллий ғуруримизга айланган. Тўрақўрғондаги мемориал мажмуа, музей ва унинг номидаги ижод мактаби Ибрат бошлаган маърифат йўли давом этаётганининг рамзидир.

Ибрат феномени бизга шуни ўргатадики, миллий юксалиш фақат орзу билан эмас, балки чуқур билим, замонавий техника ва дунё тажрибасини ўзлаштириш орқали амалга ошади.

Отабек МАХСУДЖОНОВ, Исоқжон Ибрат – Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори



## ТАҚДИМОТ



Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий ҳаётини холис ва тизимли ёритиб келаятган "ISHONCH" ва "Ishonch-Доверие" газеталари тахририяти 2018 йилдан буён йил мобайнида эълон қилинган энг сара мақолаларни анъанавий тарзда бир муқова орасида китоб-мажмуа ҳолида ўқувчиларга тақдим этиб келмоқда. Бу эса тахририят иш услубининг изчиллиги, таҳлилий ёндашувнинг мустаҳкамлиги ва жамоанинг касбий масъулиятини намоён этади. Хусусан, "1 йилга 1 назар...", "ISHONCH" айтидики...", "Миллатни улғайтирган йил", "2021 (факт ва далиллар, мулоҳазалар ва мунозара, танқид ва таҳлил, талқин ва хулосалар)" ҳамда "Нигоҳ" каби тўпламлар ана шу изчил ижодий жараённинг манتيқий давоми сифатида майдонга чиққан.

Мазкур тўпламларда жамият ҳаётидаги муҳим жараёнлар, долзарб муаммолар, фикрлар хилма-хиллиги ва танқидий ёндашувлар чуқур таҳлил асосида ёритилгани билан аҳамиятлидир.

Ташкил этилганидан буён 5 минг 250 дан зиёд сонда нашр этилган минглаб материаллар орасидан энг аҳамиятли ва мазмунан салмоқлиларини саралаб олиш, уларни бугунги шиддатли давр талабларига мос, пухта ва мукамал мажмуа шаклида тақдим этиш, шубҳасиз, юксак заковат, катта меҳнат ва масъулиятли ёндашувни талаб этади.

Яқинда мазкур эзу анъананинг мантиқий давоми сифатида навбатдаги тўплам нашр этилди. Унда 2025 йил давомида газета саҳифаларида эълон қилинган публицистик, таҳлилий-танқидий ва мулоҳазали мақолалар, шунингдек, суҳбатлар

жамланган, "Саккизинчи мўъжиза" номи остида ўқувчиларга тақдим қилинди.

Кенг жамоатчилик, муштарийлар, касаба уюшмалари аъзолари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети ўқитувчи ҳамда талабаларига мўлжалланган мазкур китобнинг тақдими кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, сенатор Абдуқодиқ Қўчимов, адабиёт-шунос, педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев, таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоев, "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви раиси ўринбосари Шароф Убайдуллаев, Ўзбекистон уюшмаси раисининг ўринбосари Фарида Афрўз каби публицистлар ва ижодкорлар иштирок этиб, мазкур китобнинг мазмуни, ижтимоий ва касбий аҳамиятини аниқроқлиқча муҳокама қилди. Нотиқлар "Ishonch" газетаси саҳифаларида бугунги кун ҳаётини акс эттирувчи ўткир публицистик ва таҳлилий мақолалар, суҳбатлар, дунёдаги муҳим воқеаларга бағишланган сиёсий шарҳлар мунтазам чоп этилаётгани алоҳида таъкидлади.

Дарвоқе, ўтган давр мобайнида, айниқса, сўнгги уч йил ичида газета Янги Ўзбекистон ахборот маконида нуфузли нашрлардан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади. Бугунги кунда у мазмун ва мавзу жиҳатидан ранг-баранглиги, таҳлилий ва долзарб материаллари билан республикадаги энг кўп ўқиладиган нашрлар қаторида муносиб эътироф этилмоқда.

"Газетани биз фақат ахборот воситаси тариқида эмас, балки маданий ва ижодий майдон сифатида ҳам ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Ҳар бир сониде ўзбек санъати ва маданий

ҳаётининг муҳим йўналишларига бағишланган қимматли маълумотлар, адабий асарлар ва энг ноёб ижодий дурдоналар ўқувчиларга ҳавола этилади. Журналистиканинг турли жанрларида ёзилган долзарб талқинларни ўз ичига олган бу китоб 2025 йилда эришган ютуқларини намоён этадиган сарҳисоб тўпламдир", деди "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газетаси бош муҳаррири, сенатор Хусан Эрматов.

Сўнгги йилларда тахририятда ўзига хос ижодий муҳит шаклланди. Замон талабларига уйғун фаолият юритиб, у конвергент тахририят сифатида ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Хусусан, Медиа марказ ташкил этилди, ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалар йўлга қўйилиб, уларнинг аудиторияси изчил кенгайиб бормоқда. Шунингдек, газетани обуначиларга тезкор ва узлуксиз етказишни таъминлаш мақсадида худудий босмаҳоналар ижтимоий тармоқларида самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Айни пайтда тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар нашрнинг камрови ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, тахририят томонидан аввалроқ чоп этилган "Биз ҳаётдан розимиз" тўпламида Давлат раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "Аёллар дафтари" орқали ҳаётлари ижобий томонга ўзгарган аёлларнинг миннатдорлик мактублари жамланган эди. "Менинг Президентим" тўпламида эса Ўзбекистон ёшларининг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилаётган ҳаётбахш ўзгаришларга муносабати акс эттирилган иншолар ўрин олган. Шунингдек, "Бир сўз..." тўпламида газета ходимларининг ижодий намуналари бир жамланма ҳолда тақдим этилган.

Ўз мухбиримиз.

## ХОТИРА

Устозимиз Аҳмад Отабоевнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида иш бошлаши ўзбекистон улуғ ёзувчиларидан бири Асқад Мухтор бош муҳаррир бўлган пайтга тўри келган. Аҳмад ака ишни газетанинг адабиётшунослик ва адабий танқид бўлимида бошлаб, кейинчалик "Jadid" газетасида давом эттирди. Салкам қирқ йиллик фаолияти давомида устоз журналист ёзувчи-шоирлар, журналистлар қаламига мансуб қанчадан-қанча таҳлилий мақолалар, тақрирлар танқидий материаллар газета саҳифаларида эълон қилиниб, ўқувчиларга етиб боришга катта ҳисса қўшди. Аҳмад аканинг муҳаррирлик маҳорати шунда эдики, ёзувчи, шоир, умуман, ижодкорлар ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр – хоҳ у танқидий, хоҳ таҳлилий бўлсин, барчасида кимнингдир дилига озор етмаслиги ёки мақтовнинг ошиб кетмаслигига жиддий эътибор берар, меъёр сақланишига ҳаракат қилар, бунга эришарди ҳам.

## АСЛ ТАХРИР

Агар газетада йирик адабиётшуносларнинг мақолалари чоп этилганини назарга олсак, Аҳмад Отабоевнинг журналистик маҳорати ва савияси қай даражада бўлганини дарҳол англаймиз. Аслида, номдор мунаққидлар билан ишлаш осон кечмаган. Кўпинча ўзгариштириш ва қисқартиришга эътироз билдирган мунаққидлар, албатта, бош муҳаррирга мурожаат қилишар, ачиқ баҳслар ҳам бўларди. Лекин асарият ҳолларда муаллифлар тахрир асосли эканини тан олиб, рози бўлган ҳолда тахририятни тарқ этишарди.

Яна бир ҳолатни айтиб ўтмасак бўлмас. Гап шундаки, Аҳмад Отабоев жуда кўп ёш мунаққидларнинг тўғри йўлга тушиб кетишига, адабий танқидчиликда ўз ўрнини топишига катта ёрдам берган ижодкор сифатида ҳам эътирофга лойиқ инсон. Шахсан ўзим Аҳмад акадан ёрдам сўраган пайтларим кўп бўлган. Ҳеч қачон вақти йўқлиги, иши тизилиши рўқча қилган эмас. Аслида, мақола ёзиш, суҳбат олиш, ҳаёт тақозо этаётган мавзунини кўтариш каби профессионал дидимиз Аҳмад Отабоев, Маҳмуд Саъдийлар "жилвирқоғос"ида сайқалланган.

У кишидаги инсоний фазилатларга алоҳида тўхталмоқчиман. Аввало, ниҳоятда камгап, камтарин, лекин ғурури банд, кўриниши жаҳлдор бўлса-да, ҳар бир одам билан ўзига қараб муомала қиладиган, оилапарвар одам эди. Фарзандларини ниҳоятда сеवार, ҳар бирининг ўқиши, ишларидан мунтазам хабардор бўлиб турар, барчасининг илми бўлиши учун жон куйдирарди. Назаримизда, фарзандлари оталарининг меҳнатю захматини оқлашди. Бугун улар ҳаммаси олий маълумотли, ўз касбида муваффақиятли инсонлар бўлиб етишди. Айни пайтда узоқ йиллар дард чекиб, тўшакка михланиб қолган аёлига меҳрибон, дардкаш эди Аҳмад ака.



Журналистлар, умуман, ижодкорлар яхши биладики, газета соҳасида ишлайдиган асарият инсонлар ўзгаларга ёзувчиудан ортмайди. Аҳмад ака эса бир эмас, юзлаб асарларни ўқишга улгургани, уларнинг асарияти ҳақида матбуот орқали ёки ҳамкасблари даврасида фикр билдириб, баҳс-мунозаралар қилиб тургани ҳам бор гап. Сирасини айтганда, Аҳмад Отабоев фақат журналист эмас, айни пайтда етук адабиётшунос ва таржимон ҳам эди.

Афсуски, ўлим ҳақ. Ўзбек журналистикаси ва адабиёти Аҳмад Отабоев тимсолида катта бир ижодкордан айрилди. Ҳамкасбимиз ёрқ дунёда муносиб яшайди, сўнгги сафаргача ҳам ҳақиқий зиёли, виждони пок танқидчи бўлиб қолди. Фикри ожимича, Аҳмад Отабоевнинг муҳаррирлик маҳорати фақат қоғозларда қолиб кетмайди. У ўз ҳаётини ҳам чиройли тахрир қилиб, авлодларига, келажак шогирдларига гўзал ибрат китобини қолдирди.

Илоҳим, охиратлари обод бўлсин!  
Гулчехра УМАРОВА

## МУЖДА

## Қодирийнинг китоби чиқди

Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчиси Самариддин Қодирийнинг ҳикоя ва эртакларини ўқидим. Тўғриси, кўнгилда бир ёруғлик, ёш қалам эгасининг ёзганларидан умид пайдо бўлди.


Бу кичик асарларда болалар тафаккурига мос бегуборлик, соддалик сезилади. Унинг дунёга бола назари билан қараётган турли исмдаги қаҳрамонлари покзаалик ва тўғрлик, ҳақиқат ва адолат тарафдорларидир. Бу жуда зарур мезон. Айрим ҳикоялар "Нима қилсам экан?" деган савол билан якунига етибди. Ҳажми катта эмас. Ихчам. Шунга мос равишда, воқелик баёниде ҳам ортиқча тафсилот кузатилмади.

Каптар боқишга қизиққан бола катта бир одамнинг ножиоз қилмишини кўриб, уйланиб қолади. Ҳикояда муаллиф синчқовлигига гувоҳ бўлдим: каптарларнинг турларини ажратади, таърифлайди, тавсифлайди. Ёзиш учун бундай назар зарур, албатта. Ёхуд, бир фалокатдан қутулган Бароқвой ҳикоясини олайлик. Бароқвойни офатдан асар қаҳрамони бўлмиш боланинг акаси – Нўъмон қутқаради. "Бароқвойнинг бизга нисбатан Нўъмон акамга меҳри бошқача" – ҳикоя негизда шу гап турибди. Баъзида улкан ҳажмли асарлар шунга ўхшаш

ёйиқ бир гап учун ёзилади.

Абдулла Қодирий ёзган бир ҳикоя ровий боланинг "Вақтингиз бўлса, жума кун сиз ҳам борингиз", деган гапи билан якун топади. Зукко бобосига монанд, Самариддин ҳам асаларилар тўғрисида ёзар экан: "Бу ҳақда сизларга албатта ёзиб юбораман", деган жумла билан воқеага нуқта қўяди. Ҳикоячи билан баробар қизиқувчан ўқувчида ҳам асалари ҳақида маълумотлар излаш истаги пайдо бўлади. Кушлар, ҳайвонот боғидаги жониворлар, асаларилар, мушуклар, кучуклар, бир сўз билан айтганда, табиатнинг бундай тирик бўлаги китоб муаллифининг тасвир объектига айланади.

"Меҳр"да бобо набирасига: "Лочин гўштхўр қуш. Аммо у ўзи ов қилиб, топган ўлжасини ейди. Текинхўр эмас", деб сабоқ беради. Бу ҳикоятни, қушинг бу мардона фазилатини ҳамма ҳам билвермайди. "Қассоб амаки" ўз исмига мос яшайди. Исмларда ҳикмат жамланади. Дунё ёзувчилари ўз асарлари қаҳрамонлари учун танлаган исмларга маъно юклайди. "Уста тоға"даги қумдан чиққан узук муҳим детал, деб ўйладим. Тилла буюм ҳар кимнинг диққатини тортади, устанинг "шумлиги"дан ўқувчи юзида ним табассум уйғонади. Ўзига хос тадбирдан мамнун ҳам бўлади. Самариддиннинг кўп ҳикояла-



Дунё ва ўзбек адабиёти тарихида бу адабий-назарий тезис учун мисоллар топилади, албатта. Ҳозир эса қўлимдаги китобларга боқиб, Қодирийлар адабий сулоласи шундай изланиш ва тадқиқ учун асос бўлади, деб ўйладим. Зеро, "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён"дек дунёга машҳур романлар соҳиби Абдулла Қодирийнинг тўнғич фарзанди Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида" китобидан бошқа бадий асарлари ҳам бор. Ҳабибулла Қодирийнинг фарзанди Шеркон Қодирийнинг "Ўткан кунлар"нинг тақдиридан ташқари, "37-хонадон", "Дўлвор йигит" номли асарлари бор.

Муҳтарам газетхон, биз жиндай фикр юритган ва яқинда босилиб чиққан "Меҳр" тўплами – Шеркон Қодирийнинг фарзанди, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби битирувчиси Самариддин Қодирийнинг илк китобидир. Биринчи китоб, табиийки, ёш ижодкорнинг ўқувчи учун ёздиган илк маънавий дастурхони ва ваздаси ҳамдир.

Умид ва ишонч шулки, истезодли адиб Абдулла Қодирийнинг чевараси Самариддин Қодирий келгусида ўзининг бебаҳо ижод намуналари билан Қодирийлар адабий сулоласининг муносиб давоми бўлажак.

Баҳодир КАРИМ,  
профессор

Jadid  
adabiy, bilim-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:  
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:  
Муҳайё Рустамова

Адади – 18 407  
Шундан:  
Кирилл ёзувида – 6 710  
Лотин ёзувида – 11 697  
Медиа кузатувчилар – 79475  
Буюртма: Г – 339  
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.  
Нашр кўрсаткичи – 222.  
Ташкилотлар учун – 223.  
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева



Манзилимиз:  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:  
Қабулхона: (71) 203-24-20  
Девонхона: (97) 745-03-69  
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17  
Jadid\_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00  
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УОШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"  
ЖАМОАТ ФОНДИ